



Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 15-iyul №29 (4376)



ТЎЗАЛ ВА БЕТАҚРОРИМСАҲ, МУҚАДДАС ВА МАҲИМ,
ЖОҲИМ СЕНТА ҚУДО, ЎЗБЕКИСТОҲИМ!

ХИРМОНЛАР ДОНГА ТЎЛСИН

Юртбошимиз Ислон Каримов амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь — 1 июль кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлганида галла етиштирувчи фермерлар билан суҳбатлашиб, қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида замонавий технологиялардан фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Сурхондарёлик фермер ва деҳқонларнинг 670 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, мамлакатда биринчи бўлиб галла топишириш бўйича шартнома мажбуриятини бажаргани ва турли соҳаларда улкан марраларни забт этаётганини мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб тухфа сифатида баҳолади.

Ўз донинини ўзининг экиб, хирмонингга ўзининг эга бўлмоқчи катта шараф эканини боболаримиз хўб англаганлар. Мустабид тузум неча неча ўн йиллар бизни, аввало, шундай саодатдан бенаиб этиб келди. Не-не халқларнинг "нонини туя қилиш"ни касб қилиб олган истибдод қорчалонларининг бундан бошқа мақсади бўлмаган ҳам. Халқимиз бу ҳақиқатни сўнгги бор англаб етганига чорак асрдан ошаётди. Ҳушанда 21 миллиондан зиёд аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган беш миллион тонна галла четдан катта маблағлар эвазига, қийинчилик билан олиб келинган ҳали ёдимиздан кўтарилган эмас.

Бугун халқимиз ўз дони, ўз нонига эга бўлиш — ўз озодлигига эга бўлмоқчи бўлиш шарт эканини ҳаёти ва турмуш тарзи мисолида яққол кўриб, ҳис этиб келяпти. Ўз боғининг боғбони бўлиш бахтига нима етсин?! Дон унадиған еринга бошқа экин экиб, галла билан ўзим таъминлайман дейиш — бу, иқтисодий қамал сиёсатининг гирром ўйинларидан бири бўлганини ҳам истиқлол замонида англаб етдик. Агар Сибир дарёларидан бирор томчи сув келганида борми, унда обиҳаётнинг жўрағи ҳам ўзгалар қўлида бўларди. Нони билан сувнинг ихтиёри ўзида бўлмаган халқни эса, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай қўйга солиш мумкин, деб ўйлаган мустабид тузум пешволари.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида галла мустақиллигига эришиб, ҳар йили фермер деҳқонлар хирмонларни донга тўлдирган кезлари, беихтиёр, шу ҳақда ўйлаб, эндиликда халқимизнинг нони бутун эканига шукрона айтаемиз. Президентимиз Ислон

Каримов 1990 йилнинг 16 июнида Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ҳақида нутқ сўзлар экан, "Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити — Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир..." — деб таъкидлаганди. — Ҳўш, бу вазифани аниқ

Ким эдигу ким бўлди

бажариш мумкинми? Ҳа, аниқ бажариш мумкин, бундан бошқа йўл йўқ. Агар биз аввал бўлганидек, республикамиздан арзимаган нархда иложи бўлган барча нарсаларнинг ташиб кетилиши билан муро-са қилишни хоҳламасак, Марказда бизга нима лозим ва етарли деб ҳисоблашлари билан муро-са қилишни хоҳламасак, шундай йўл тўғрисида зарур. Бошқа иложимиз йўқ".

Мамлакат ўз мустақиллигини расман эълон қилишидан салкам бир ярим йил аввал қатъий қилиб айтилган бу жасоратли сўзлар истиқлолга эришишнинг оидин йўли нақадар қийин шароитларда белгиланганидан далолат беради. Галла мустақиллигига эришиш ҳам шу йўлнинг ўзак масаласи эди. Ҳўш, тарихан гоёт қисқа фурсатда мамлакатимиз йил сайин кўпайиб бораётган аҳолисини ўз дони ва нони билан таъминлаб қолмай, хорижа галла экспорт қиладиган давлатга ҳам айлангани боиси нимада? Биз қандай қилиб, шундай беқийс натижаларга эришдик?!

Аввало, Юртбошимиз мамлакат раҳбарлигини зиммасига олган илк кунлардан бошлаб, қабул қилинган

барча қарор ва қонунлар моҳиятан "Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш"га қаратилгани ва бу сиёсат изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилиб, мамлакатнинг амалда тўла сиёсий мустақиллиги таъминланганидир. Ниҳоятда аниқ қилиб қўйилган бу вазифани бажариш учун халқимиз иродаси, барча кучлар сафарбар этилиб, мустақил Ўзбекистоннинг инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган давлат сиёсати ишлаб чиқилди. Ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид тузум асоратларига барҳам берилиб, миллий давлатчилик асослари шакллантирилди. Жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш асосида тараққиётнинг бозор иқтисоди билан чамбарчас боғлиқ бўлган "Ўзбек модели" яратилди. "Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминладиган жамият барпо этишга олиб келиши мумкин", деб ёзади Юртбошимиз "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли китобида.

Ана шу тадрижий ривожланиш жараёни қандай юксак самаралар бераётганини бугун 31,5 миллиондан ортқ халқимиз, айнаи ҳоғда, хориждаги дўсту нодўстларимиз ҳам эътироф этаётди.

Давоми иккинчи саҳифада.



АНДИЖОН УЧРАШУВЛАРИ

Истиқлолни шарафловчи, бугунги тинч ва фаровон ҳаёт қадрини англаувчи бир-биридан мазмунли, гурурбахш тадбирларнинг яна бири Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?"

Маммунидаги учрашувлар Андижон вилоятида давом этмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган тарғибот тадбирларида республикамизнинг таниқли маданият ва санъат намояндalари, шоир, ёзувчилар, олимлар ва тарихчилар иштирок этмоқда. Барча ҳудудларда ўтказилаётган ушбу тадбирлар шиддат билан ривожланиб бораётган юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларни умумбағирий ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли мафқуравий, маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, гоёвий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Андижон вилоятидаги тадбирлар 14 та — Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалолқудж, Избоскан, Марҳамат, Олтинқўл, Пахтабод, Улуғнор, Хўжабод, Шахрихон, Қўрғонтепа, Андижон туманлари ҳамда Хонобод ва

Андижон шаҳарларида ўтказилмоқда.

Андижонликлар бу ажойиб кунларни завқ билан қарши олдилар. Халқимиз ардоқлаган ижодкорлар учрашувларда фаол иштирок этиб, Ватан мавзусидаги ижод намуналарини ёшларга тақдим этишди.

— Бундай унутилмас мулоқотларнинг барчаси ёшларимизни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларимизда гоёвий ва мафқуравий собитлик, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган, — дейди Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Хуршида Қўчқорова. — Юртимизда мустақилликдан олдин бўлган давр ҳамда мустақиллик йилларида турли соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида олиб борилаётган вазифалар, ислохотлар билан ёшларни ҳаётий ва аниқ мисоллар асосида таништириб боришимиз ниҳоятда муҳимдир.

Бундай тадбирлар ижодкорларимизни озод ва обод юртимиздаги улуғ бунёдкорликлар, халқ руҳиятидаги юксалиш ва янгиликлар ҳақида янги бадий теран асарлар яратишларига илҳом бахш этади.

Она юртим — олтин бешигим

Ифтихор

ЎЗБЕК
ЙЎЛИ

Тарихий кун асли, тарих қўзғуси,
Ушадди миллатнинг асрий орузи,
Тоғни ёриб ўтди хурлик ёғдуси,
Боболардан мерос армон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Юртбоши тилаги дилга ёр бўлди,
Бир юз ўттиз миллат — элга ёр бўлди,
Мустақил давлатга ифтихор бўлди,
Буюк шпак йўли — қарвон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Фарғона, Наманган, Андижон аҳли,
Бу йўл — миллат аҳли, водийнинг бахти,
Буюк Ўзбекистон, ўзликнинг шахди,
Электр сим поезд — замон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Бу пўлат қўлларнинг пўлат белбоғи,
Талқондек тўқилди дунёнинг тоғи,
Унда ёниб турар тинчлик чироғи,
Хўш ният элимнинг имкони йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.



Бу йўллар — сабримиз садосин йўли,
Бу йўллар — Навоний навосин йўли,
Ҳазрат Амир Темур дуосин йўли,
Рухлар шодон юрган осмон йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Ангрен-Поп йўли — дунё ҳайрати,
Миллат муроди бу — давлат қудрати,
«Ўзбек модели»нинг битта ибрати,
Мадҳу мадҳияга дoston йўли бу,
Ўзбек қайта очган жаҳон йўли бу.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ОБОД ЭЛИМ, ШОД ЭЛИМ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистонни обод қилиш, уни дунёнинг юксак тараққий этган мамлакатлари қаторига олиб чиқишга киришилган эди. Ҳозир ана шу эзгу сўй-ҳаракатларнинг амалдаги натижасини ҳар қадамда кўриш мумкин. Шу кунларда Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ўзининг кўлами ва аҳамияти билан кишини ҳайратга солади. Шу йил баҳорда ишга туширилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон саноатининг улкан ютуқларидан бири бўлди. Яқиндагина Қамчиқ доворни бағрида қурилган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиши мамлакатимиз ҳаётида муҳимлиги кўрилмаган тарихий воқеага айланди.

Юрт кезиб, унинг бағрида юз бераётган жараёнларни ўз кўзинг билан кўрмасдан, улғувор ўзгаришлар миқёси ва кўламини юракдан ҳис этмасдан тузукроқ нарсаси эшиш қийин. Сафар — ҳаётни чуқурроқ ўрганишнинг сигнал қандай юксак самаралар бераётганини бугун 31,5 миллиондан ортқ халқимиз, айнаи ҳоғда, хориждаги дўсту нодўстларимиз ҳам эътироф этаётди.

Дашт бағридаги мўъжиза

Ўзбекистон заминини Яратганнинг ўзи мўл-қўл табиий бойликлар билан сийлаган. Истиқлол шарафати билан ана шу неъмат-

ларни ҳам халқимиз фаровонлиги йўлида сарфлаш имкони пайдо бўлди. Бу бойликларни ўзлаштириш, қайта ишлаш мақсадида йирик саноат корхоналари қурила бошланди. Ҳозир туманида ниҳоятда қисқа вақтда "Шўртангазкимё" мажмуасининг барпо этилгани бунинг яққол мисолидир.

Мажмуа ишга туширилгач, орадан бир неча йил ўтиб бир гуруҳ санъаткор ва ижодкорлар билан у ерга учрашувга борадиган бўлди. Дашт бағрини тилиб ўтган равон йўлдан кетиб бораётган. Катта-кичик машиналар тинимсиз ўтиб-қайтаётган асфальт йўлининг икки тарафига дарахтлар экилган. Сувсиз жойда ниҳол кўкартириш осон эмас. Шу ишни уddалаган одамларга қойил қолмай иложинг йўқ.

— Ҳаммаёқ кип-қизил дашт-ку, — деди ҳамроҳларимиздан бири нарироқда ястаниб ётган

қирларга боқиб. — Адашиб бошқа томонга кетиб қолдик, шекилли?

Яна бироз юрдик. Кутилмаганда қаршимизда намоён бўлган замонавий шаҳар манзараси барчамизни шошириб қўйди. Қўркам уй-жойлар, мактаб, боғча ва бошқа маиший бинолар. Қуйроқда улкан мовий қўл мавжла-ниб ётибди. Ҳаммаёқ дарахтзор, гулзор. Қувш нуридаги қумушдек товланиб турган улкан заводнинг маҳобатини таърифлашга тил ожиз. Яқин-яқингача бу жойлар эрта-ларда таърифлангандек, "қуш уса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган" кимсасиз бўл-ганига ишониш қийин...

— Нахотки, шуларнинг ҳаммаси икки йил-нинг нари-берисида қурилган бўлса! — деди ҳамроҳимиз ҳайратини яширолмади.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Чиндан ҳам, бундай улуғвор ман-зарадан хайратланмасликнинг илоҳи йўқ. Зотан, “Шўртангазкимё” мажмуасини беҳиз истиқлол даври мўъжизаларидан бирига қиёслашмайди. Ниҳоятда қисқа вақт ичида Ғуздор даштларида қад ростлаган гигант корхона халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор дунёга намён қилди.

“Шўртангазкимё” мажмуаси қури-лаётган пайтларда матбуотда унинг ноёблиги ва маҳобати ҳақида бот-бот ёзишарди. Шу боис менда ҳам Ғуздорга бориб, завод қурилишини ўз

лан бирга юрдим. Юртимизнинг тур-ли жойларидан келиб ишлаётган оддий қурувчилар, хайдовчилар билан суҳбатлашдим. Даштдаги му-раккаб шароитда ишлаётган бўлса-да, ҳаммасининг руҳи тетик, шавқи баланд. Улар бундай тарихий бунёд-корликда иштирок этаётганидан хурсанд эканликларини яшириб ўтирмадилар. Ана шунда буюк иш-лар одамларни ўзаро бирлаштири-шини, уларнинг юрагида кучли иштиёқ уйғотишини англадим.

Кеч киргач, минглаб машина ва механизмларнинг чироғи ёниб, дашт-даги манзара эртакмонанд тусга кир-ди. Четдан қараганда, осмондаги бе-хисоб юлдузлар ерга тушиб, ажабто-

тахсил олишган, хорижий мамлакат-ларда тажриба орттириб келишган. Барчаси ўз ишчи яхши билади, дунёқараш кенг, фикри теран. Гап-лашган сайин завқингиз келади.

Шўртангазкимё таркибидан ажратиб олинаётган полиэтилен хомашёси “Made in Uzbekistan” ёзуви туширил-ган қопларга жойланяпти. Марварид донасидек товганиб турган мана шу оппоқ золдирчалар бир пайтлар узок ўлкалардан ташиб келинарди. Энди ўзимизнинг юртимизда тайёрланяпти. Мана сизга Истиқлол берган имкони-я! Бу нодир хомашё эртага маҳаллий заводларда сизу бизнинг кундалик ҳаётимизда асқотадиган ранг-баранг буюмларга айланади. Каттагина

болалар билан гавжум.

Болалар боғининг қоқ марказида мамлакатимиз харитасидан андоза олиб ташкил қилинган каттагина май-дон бор экан. Қизиги, бу ерда юрти-мизнинг турли ҳудудларида жойлаш-ган ўндан зиёд машҳур меъморий обидаларнинг кичрайтирилган нусха-лари тикланган. Тошкентдаги Ҳазрати Имом масжиди, Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Бухородаги Ми-норай калон... Бу санокни яна давом эттириш мумкин.

Меъморий обидаларнинг нусха-лари нозик дид, маҳорат билан иш-ланган. Офтоб нурида жилва қила-ётган қосишлар, безаклар аслидан фарқ қилмайди. Бу иморатларни тиклаган усталарнинг маҳоратиға та-бермай илоҳингиз йўқ. Бундай тароватли манзарага боқиб, жона-ҳон Ҳазратимизнинг улуғворли-гини чуқурроқ ҳис этасиз. Кўнглин-гизда шундай жаннатмонанд юрда яшаётганингиздан фахрлиниш туй-ғуси пайдо бўлади.

— Яқингача бу ер чиқинди суви тўпланадиган ташланган жой эди, — дейди таниқли ёзувчи Муродбой Низанов. — Мана шу хилват маскан-нинг обод бўлиганидан жудаам хурсандим. Эндilikда бу ер шаҳри-мизнинг энг гавжум гўшаларидан би-рига айланди.

“Томчида қуёш акс этади” дейи-шади. Бу каби хайрли ўзгаришлар-ни юртимизнинг ҳар бир ерида уч-ратиш мумкин. Чиндан ҳам бугун мамлакатимиз ҳар жабҳада ривожла-ниб, халқимизнинг ҳаёти фаровонла-шиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган сана муносабати билан тантанали маро-симда сўзлаган нутқида алоҳида таъ-кидлаганидек: “...Обод ҳаёт деган тушунча азалдан халқимизнинг онгу тафаккурда, авваламбор, фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўчли-лик, кут-барақа, бозорларда ар-зончилик маъносини ўзида мўхас-сам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямиз-нинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда”.

Дарҳақиқат, “обод ҳаёт” тушунча-сининг мазмуни кенг, аҳамияти бе-киёс: Бу дунёда ҳар бир инсон тинч-осуда, тўқис, мазмунли ҳаёт кечи-ришга интилади. Бу йўлда бир лаҳ-за тиним билмайди. Бироқ бундай имконият ҳаммага ҳам насиб эта-вермайди. Хотиржам умр кечириш учун кўпгина фақат орзу-истак, хо-ҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Буни бугун дунёнинг турли-турли чекка-ларида юз бераётган талотўплар, кўнглисиз воқеа-ходисалар мисоли-да аққол кўриб турибмиз. Шукрки, юртимизда эминлик, тинчлик усту-вор. Бу нёъматнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлашни ҳис қилмо-ғимиз лозим.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
ёзувчи

ЗАЛВОРЛИ ҚАДАМ

Йигирма беш йил. Бир нафасда айтиладиган сўз. 25 йил олдин дунёни ларзага солиб туғилган чақалоқ бугун бир оиланинг бошлиғи. Чорак аср бир навқирон йигитнинг ёши. Лекин ортга назар ташласангиз, қанчадан-қанча ҳадик-хавотирли дамлар, йилларни кўрасиз.

1989 йил. Укам Озарбойжоннинг Боку шаҳрида ҳарбий хизматни ўта-ётган вақтлар. Бир куни мактуб ёзиш-га ўтирдиму, энг биринчи ёзган жум-лаларим шундай бошланди: “Укажон, жигарим, бугун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу хабар ҳамма жойда эълон қилинди. Бу ёғи энди яхши бўлиши тайин...”. Бу сўзларни ёзаялман-у ўзимни энти-ғиб ҳисси чулғаб олганди. Сўнгра мактубга қўшиб матбуотда чоп этил-ган матни ҳам жойладим.

Бу кунларни халқимиз неча йиллар умид ва изтироб билан кутган. Ана шундай тахликали замонда бундай қарор қабул қилиш учун катта юрак ва шижоат керак эди. Катта юрак ва шижоатли инсон

Ифтихор

ўзимизнинг орамиздан ети-шиб чиқди. Ўшанда мустақиллик йўли-да ташланган бу илк қадамлар бугун залворли қадамларга айланди. Истиқлол йўлида ташланган ҳар бир қадам Ўзбекистоннинг келажак-и, халқимизнинг миллат сифати-даги ўз ўрни, ўз овози борлигидан далолат берувчи қадамлар бўлди. Ўшанда бизга ишонқирамай қара-ганлар ҳам топилди. Ички ва ташқи қучлар қора булут сингари ўз қўлан-қасини ташлай бошлади. Лекин ях-шилик ҳамisha галаба қозониши бор ҳақиқат. Юртбошимиз раҳбар-лигида барча-барча қийинчиликлар-ни енгиб ўта олди.

Чорак аср аввал Ўзбекистон ер юзининг энг ривожланган давлатла-ри қаторидан ўрин олишини тасав-вурга сиздир олмаганлар бугун лолу ҳайрон. Бир куни машинада кетаётиб радио орқали узатилаётган бир суҳ-бат ўзига жалб этди. Хорижлик бир сайёҳ юртимиз ҳақида сўз юритиб, шундай деди: “Мен Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим. Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман. Бугунга келиб юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деган гапга яна бир бор амин бўлдим. Ғўзал кўчалар, сўлим жиёбонлар, кўллар, кўприклар, маҳо-батли турар жой бинолари, бири-би-ридан қиройли меҳмонхоналар киши-ни ўзига мафтун этади, қўяди. Юртдошларингиз чеҳрасидаги табас-сум, бир-бирига бўлган муносабати, кўча-қўйда эмин-эркин юриши мени ҳайратга солди. Яна бир нарсани ай-тай, ёшим олтишга бориб қолди. Би-ринчи бор осуда уйкуга бош қўйиб, биринчи марта тонгда қушларнинг майин сайрашини тинглаб тонг оттир-дим. Бу мен учун мўъжиза бўлди. Ўзбекистон ҳақиқатдан жаннатмакон юрт экан”.

Тинчлик — юртимизнинг энг улуғ нёъмати. Тинчлик осмондан тушиб қолмайди. Бунинг учун курашилади, изланилади, заҳмат чекилади. Шунинг учун уни асрашимиз лозим. Қўл қовуштириб ўтириш бизнинг халқимизга ёт. Пойдевор қўйилди. Қўйилганда ҳам ўта мустаҳкам. Ана шу пойдевор ҳар қандай тўфон-ларга дош бера олади. Замини мустаҳкам, пойдевори бақувват юртнинг иморатлари, албатта, абадий бўлиши муқаррар.

Мустақиллиكنинг илк кунларида дунёга келган гўдак бугун ўз соҳа-сини билимдончи бўлиб етилган. Улар орасида нафақат юртимизда, балки дунёда ўз ўрни, ўз овози бор йигит-қизлар. Спорт соҳасида жаҳон чем-пионлари, илм соҳасида етук олим-лар кўп. Йигирма ёшида турмуш кур-

ганларнинг бўлса, ҳозир жажжи фар-зандлари инглиз тилида сўзлаяпти. Бу ҳам мустақиллиكنинг шарофати бўлса, не ажаб.

Юртимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиғи, ма-даният ва спорт, сайёҳлик, ишлаб чи-қаришнинг барча йўналишларида қўлга киритилаётган ютуқларимиз мактанса арзигулик. Кўни кеча наби-рам билан истироҳат боғига бордим. Хонобод бишлогимиз қўчаларида қад ростлаётган иморатларнинг бирини кўриб етти ёшли набирамнинг ҳава-си келди чоғи, “Додажон, биз қачон шунақа ўйлар қурамыз?”, деб қолди. Албатта, қурамыз. Бундан қиройли қилиб қурамыз дедиму, қайта назар солдим. Ҳақиқатан ҳавасингиз келади.

Шунда бир пайтлар бўлган воқеа эсимга тушди. Отам дўконда ишлар-ди. Дарвозанинг устки қисмини оқ тунука билан қопладик. Агар ишонсан-гиз бир ҳафтага бормади. Отамнинг бир дўсти катта жойда ишларди. Бир куни уйимизга келиб, томга ишора қилди. Отам эртасигаёқ мовий ранг-даги бўёқ олиб келдилар. Мана бу бўёқни олгин-да бўёб қўй, дедилар. Нега бўйимиз дедим. “Замон нотинч, бўёш керак дейишди, демек бўёш ке-рак”, дедилар-да хомшў уйга кирди-лар. Кейинчалик билсам, оқ тунука билан томини қоплаганлар назорат-га олинар экан. Бугун эса бунинг та-моман акси.

Набирамнинг саволи фикрларим-ни тўғитиб юборди. “Додажон, кўча-ларда машиналар кўпайиб кетибди. Қаранг, ҳаммаси қиройли-а. Сизга қанақаси ёқади? Қайсинисини тан-ласангиз ўзим олиб бераман”, дей-ди. Ҳақиқатан ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилаётган машиналар бири-би-ридан қиройли. Қўчаларни тўлдириб юрган машиналарнинг деярли бар-часи ўзимизда ишлаб чиқарилган. Булардан ташқари, рўзғорда ишлати-ладиган дазмолу совутигичдан тортиб, кир ювадиган машинагача, телеви-зордан тортиб, барча маиший техни-ка анжомлари ҳам ўзимизники. Ўзи-мизники бўлганда ҳам бирор бир хо-рижикидан қолишмайди.

Шу дамба кўнглидан бир туйғу кеч-ди. Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонаси-да” китобини ҳар бир ёш ўқиб чиқи-шини, қандай мураккаб ва зиддият-ли вақтларни бошдан кечирганимизни қалбидан ўтказишини, тинчлик, озод-лик деган тушунчалар ўз-ўзидан ке-либ қолмаганигини англашларини истардим. Мустақиллик шарофати билан бугунги кунда қаерга қўлимиз-ни чўзасак етмоқда. Фақат... шу юрт-ни ўзига Ватан деб билган, шу юрт учун жонини тикадиган ҳар киши бе-парво ва лоқайд бўлмаслиғи, доимо огоҳ ва ҳўшёр бўлмоғи даркор.

Қийинчилик билан эришилган ҳар бир нёъмат қадрли бўлгани каби мустақил бўлиш ҳам осон кечмади. Унинг қадрига етиш, уни кўз қорачи-ғидай асраш сизу бизнинг зиммамиз-да. Буни чуқур англаш уяш учун ҳам-мамизда етарли салоҳият, тушунча, тажриба ва ирода бўлиши керак. Мустақиллик биздан ҳеч нарса сўра-майди. Лекин у бизга кўп нарсга бер-ди. Берганда ҳам жуда кўп. Бунинг қадрига етиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Асрор СУЛАЙМОНОВ

ОБОД ЭЛИМ, ШОД ЭЛИМ

кўзим билан кўриш истаги пайдо бўлган эди. Ана шундай кунларда хизмат юзасидан вилоятлардан би-ридаги пластмасса заводи фаоли-яти ҳақида мақола ёзишимга тўғри келди. Цехларни бирма-бир айландим. У ерда полиэтилен хомашёси-дан турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш экан. Мамлакатда уларга эҳтиёж катта. Лекин завод ана шу эҳтиёжни қоплай олмайди. Чунки хомашё тақчил, катта сарф-харажат ва минг машаққат эвазига хориждан ташиб келтирилади. Баъзан таъми-нотда узилиш бўлиб, заводда иш тўхтаб қолади.

Ажнайиб тилда ёзувлар битилган қоплардаги катталиғи нўхат донаси-дек келадиган оппоқ золдирчалар кўздан кечирдик. Четдан олиб кели-наётган полиэтилен хомашёси экан.

— Ғуздорда кимё мажмуаси қурила-ётгандан бери хурсандчилигимизнинг чеки йўқ, — деди муҳандислардан бири. — У ишга тушса, мана шу ноёб хомашё ҳам ўзимиздан чиқа бошлай-ди. Нархи ҳам арзон, сифати ҳам аъло бўлади. Кейин бизнинг заводда ҳам ишлар гуриллаб кетади. Яна қан-чадан-қанча полиэтилен маҳсулотла-рини ишлаб чиқарадиган корхоналар очилади.

Шу воқеадан сўнг менда Ғуздорда-ги кимё мажмуасининг қурилиши жараёнларини бориб кўриш истаги кучайди. Тез орада тахририят топши-риғи билан Қашқадарёга йўл олдим. Қарши — Ғуздор йўлидан ўнг томонга бурилиб, бироз юрганимиздан сўнг шаҳар ортда қолиб, юк ортлган ма-шиналар билан гавжум тупроқ йўл бошланди. Ўнгу сўлда тақир қирлар-дан бўлак ҳеч нарса йўқ. Фақат онда-сонда сурув хайдаган қўпнорлар кўри-ниб қолади. Наҳотки, шунақа жойлар-да завод қуриш мумкин бўлса, деган ўй кечди ҳаёлимдан.

Қурилиш майдонига етиб боргач, у ердаги иш жараёнининг кўламини кўриб, рости, шошиб қолдим. Баланд қирлар пойидаги кўз илғамас кенг-ликларда сон-саноксиз булдозерлар, экскаваторлар, юк машиналари гу-виллаб ишлаб ётибди. Уларнинг ор-тидан кўтарилаётган чанг осмонни бу-лутдек қоплаб олган...

Шу кўни кечгача қурувчилар би-



Х.АКБАРОВ олган сурат

ни очик чехра билан кўтиб олишди. Дастлаб корхонанинг юзага келиш тарихи ҳақида ҳўқоя қилувчи музей-га кирдик. Музей экспонатлари би-лан танишиш асносида “дашт бағри-даги саноат мўъжизаси”нинг барпо этилиши жараёнлари ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик. Суратлар-даги корхона қурилишининг даст-лабки паллалари акс эттирилган манзаралар, қурувчиларнинг қиёфа-си менга таниш туюлди. Чунки улар-нинг баъзилари билан учрашиб, суҳ-батлашганман.

Юксак технологиялар билан жиҳоз-ланган цехларни кўздан кечирдик. Компьютерлаштирилган ўта замона-вий ва мураккаб ускуналар “жилов” ёш муҳандислар қўлида. Улар мамла-катимиздаги олий ўқув юрларида

фида кўп қаватли қиройли уйлар қад кўтарган. Довруғи етти иккимда ма-шҳур Санъат музейининг нақшинкор “белбоғ таққан” қўшалок биноси эътиборни тортади. Қисқа вақт ичи-да ўлкашўнослик музейининг эски биноси ўрнида салобатли иморат қад ростлаган.

Нукуснинг диққатга сазовор жойла-рини обдон томоша қилдик. Шундан сўнг шаҳарда яқинда ташкил қилин-ган болалар истироҳат боғига бордик. Нақшинкор дарвозадан ичкарига ки-ришимиз билан кўз ўнгимизда ажиб манзара намён бўлди. Кенг-мўл май-дон ўртасида мўъжазгина кўл. Қўлнинг атрофида эса турфа хил атракцион-лар, ўйин майдончалари, улкан спорт мажмуаси бунёд этилган. Ҳаммаси

ХИРМОНЛАР ДОНГА ТЎЛСИН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бир пайтлар томорқасига қадар пахта экиб, дастурхони нонга ёлчимаган элимиз нафақат ҳар йили ўзи етиштираётган етти ярим-саккиз мил-дон тоннадан зиёд ғалладан ортган қисмини, шу билан бирга, юртимиз заминиде пишиб ети-ладиган энг тансиқ нёъматларни, мева-чеваю сабзавотни ҳам хорижа экспорт қилиб, жаҳон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Ғалланинг ўртача ҳосилдорли-ғи гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсга-ни бу борада қандай улкан тараққиёт йўли бо-сиб ўтилганидан далолат беради. Энг аввало, де-ҳқонларнинг томорқа майдонлари кенгайтирил-ди. Сўнгра босқичма-босқич пахта майдонлари-нинг бир қисмига бошоқли дон экинлари экила бошланди. Ўзбекистоннинг шу чоққа қадар йўқо-тиб юборилган серхосил ғалла навларини тик-лаш мақсадида Фарғона водийси ва Қашқадарё вилоятида янги ғаллачилик илмий тадқиқот ин-ститутлари ташкил этилди. Айни чоғда, фермер-лик ҳаракати авж олиб жамиятнинг муҳим бўғи-нига айлانгани, деҳқон ўз ерининг эгаси бўлиб, қилаётган меҳнатидан кўраётган манфаати ор-гани, замонавий агротехнологиялардан самара-ли фойдаланиш ғалла мустақиллигига эришиш-да муҳим омили бўлди.

Эндilikда ўз еримизда унган бугдойнинг энг сара навларидан бир неча турдаги нон маҳсу-лотлари тайёрланаётгани ҳам кўнглимизга ёру-лик сочади. Масалан, “Шаҳрисабз дон” корхона-си қадимий шаҳарнинг тарихий марказида қайта таъмирдан сўнг гўзал қиёфада юз очган бозорда юртимизда етиштирилаётган лалми бугдой уни-дан шу жойинг ўзида йигирма хилдан зиёд нон маҳсулотлари тайёрлаб бермоқда...

Юртбошимиз Қашқадарё вилоятига сафари чоғида мустақиллик йилларида аграр соҳада туб ислохотлар амалга оширилгани, вилоятда мам-лакат ғалла хирмонининг 12, пахтанинг қарийб 15 фоизи етиштирилаётгани, бу йил ғалла ҳосил-

дорлиғи гектарига ўртача 62 центнерни ташкил этаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Мамлакатимизда фақат ғаллачилик эмас, шу билан бирга бутун қишлоқ ҳўжалиғини барқарор ва изчил равнақ топтириш борасида амалга оши-рилаётган ислохотлар бекиёс самараларини на-моён этаётди. Буни шу кунларда пойтахтимизда давом этаётган — Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амириклари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия сингари кўрқдан ортқ мамлакатлар, ха-лқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари ва-киллари, етакчи эксперт ва мутахассислар Ўзе-бекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиғи, ташқи бозорларга сарфш мева-сабзавот ва улар-ни чуқур қайта ишлаш асосида тайёрланган эко-логик тоза маҳсулотлар чиқариш юзасидан катта захирага эга эканини ўз кўзи билан кўриб, имкониятимизга юксак баҳо бермоқдалар.

Йўлсозлик ва автомобилсозлик, уйсозлик ва шаҳарсозликни равнақ топтириш, саноат маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш ва хомашёни қайта иш-лашни кенг йўлга қўйиш, тadbиркорлик тармоқ-ларини қўллаб-қувватлаш ва сайёҳлик индустри-ясини вужудга келтириш Ўзбекистонни шу тар-зда жаҳоннинг энг илгор мамлакатлари қаторига олиб чиқаётди. Бу истиқлол йўлимиз — истиқ-бол йўлимиз ойдинлигидан далолатдир.

Агар халқимиз мустақилликка эришмаганида ёки уни қадрай олмаганида миллий тараққи-ётда шу қадар юксак ютуқларни қўлга кирита олармиди?! Биз мустақиллиқни асраш, унинг қадрига етиш деганда шу ҳақиқатни ҳам асло ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Хирмонла-римиз донга тўлиб, тандирлардан офтобдай тов-ланиб чиқаётган нонлар элнинг ўз эркинлиғига эгалиғи, эртанги истиқболни ҳам порлоқ экани-нинг гўзал тимсолидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

НАВОЙ. Юрт меҳри билан яшаётган ижодкорлар ва маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмда истиқлолимизнинг йигир-ма беш йиллиги муносабати билан «Гўзал ва бетақ-роримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Шундай тадбирлар “Қизил-қумцемент” корхонасида, Алишер Навоий номидаги ҳамда “Орзу” истироҳат боғларида ҳам бўлиб ўтди.

“Офтобжон” оромгоҳида ўтган “Биз — бахтиёр бо-лалармиз!” номли тадбирда таниқли ижодкорлар то-монидан иқтидорли болалар ёзган эртақлар, шеър-лар ва ҳўқоялар баҳоланди, уларнинг саралари “Кар-мана овози” газетасида чоп этишга тавсия қилинди.

Томди туман тарихий ўлкашўнослик музейида бўлган “Юртнинг туғи мангудир!” номли маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Дав-лат Гербининг яратилиш тарихи ва моҳияти ҳақида сўз юритилди. Ёш ижодкорлар ва ўланчилар озод ва обод Ватанин мадҳ этишди.

САМАРҚАНД. Оқдарё туманидаги педагогика коллежида “Оқдарё баёзи” номли жамоа тўпламининг тақдими ўтказил-ди. Унда коллеж ўқувчилари, “Оқдарё овози” туман газетаси қоши-даги “Умид” ёш ижодкорлар тўғараги аъзолари қатнашди. Ки-тобда ёш қаламашлар ижодида катта ўрин берилган.

Гўлобод кўрғонига барпо этилаётган “Истиқлол боғи”да ўтка-зилган вилоят ижодкорларининг “Ободлик кўнглидан бошлана-ди” мавзусидаги мушоирада Самарқанд ва Тайлоқ туман газета-лари ижодкорлари қатнашди.

Вилоят боҳжона бошқармасида “Ватан останада бошланган” деб номланган маърифат соати бўлиб ўтди. Соҳа ходимлари-нинг маънавий юксалиғи, хизмат ваифаларида эришаётган ютуқ-ларида адабиётнинг ўрни, жамиятда содир бўлаётган янгилик-ларга дахлдорлик масалаларида ўзаро фикр алмашилди.

“Соғлом она ва бола йили” муносабати билан Самарқанд шаҳ-ридаги кўп тармоқли поликлиникада ўтказилган шифокорлар, ма-ҳалла аҳли ва ижодкорларнинг давра суҳбатига фарзанд камоло-тида маънавият ва китобнинг аҳамияти масаласида ўзаро фикр алмашилди.

Ургут туманидаги ёзги болалар оромгоҳида болалар шоирла-ри билан учрашув ўтказилди. Шоирлар оромгоҳидаги шарт-шаро-итлар билан танишиб, янги шеърлардан ўқиб бердилар. Адаби-ёт ва шеърятга бағишланган виқторина голибларига янги кито-блар тақдим этилди.

ФАРҒОНА. Фарғона шаҳридаги “Мурувват уйи” ва “Меҳри-

бонлик уйи” тарбияланувчилари даврасида “Миллий тикланиш” демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Сен ҳаммадан азизсан!” номли байрамда иштирок этган ижодкор-лар янги шеър ва эртақлари билан болаларга кўтаринки кай-фият улашди.

Фарғона ҳўқўшўнослик, Кўқон туризм касб-ҳўнар коллежлари-да ўтказилган Мустақиллиكنинг 25 йиллиғига бағишланган ижодий учрашувларда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари иштирок этдилар. Ёшлар маркази ва Ал-Фарғоний номидаги богда мактаб, ли-цей, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари ўртасида расм чизиш, иншо ва шеърят йўналишлари бўйича кўрик-тан-лов ўтказилиб, унда 250 дан ортқ ёшлар иштирок этди. Танлов голиблари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Фарғона шаҳрининг Қаштанор кўчасида «Китоб олами» дўкони-нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мажмуанинг расталарида-дан икки мингдан зиёд номдаги ўтми 21 минг донга яқин китоб жой олган. Мажмуага ташриф буюрган харидорлар учун «Китобхон-болажон» бурчаги, «book-safe» каби қулайликлар яратилган. Маж-муанинг очилиши вилоят маънавий ҳаётида катта воқеа бўлиб, келгусида юртдошларимизнинг китоб ва нашр маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда катта қулайлик яратди. Тадбир доирасида ўтказилган «Олтин қалам» адабий тўғараги аъзолари иштирокидаги мушоира китобхонларга гоят маъқул бўлди.


Ахборот хизмати

Омон МУХТОР

НОРАТИМДА ЁНТАН ЧИРОҚЛАР

ИККИ ОЛАМ

Олам бор. Сершовқин, сертуйғу олам —
Менинг шодликларим — менинг ўқимда.
Кўксида жойлади мени бу олам,
Оламини жойладим мен ҳам кўксимда.



Чироқлар остида дўстларим,
Кимдир таниш.
Кимдир нотаниш.
Фарқи йўқ —
нотаниш ё таниш.
Чироқлар остида дўстларим.
Бу чироқлар — менинг кўзларим.

ДАРАХТ

Табиатнинг ўзи эртақларни яратган,
Шундай туюлади менга, ҳарқолда.
Худди сочлар тўзғиб, учиб бораётган
Оламга ўхшайди дарахт шамолда.

БУХОРОГА

Сенинг чангиб турган йўлларинг бари
Менинг чекинмаган ҳаёт йўлларим.
Қишлоқ чолларидек қишлоқ толлари —
Сени сийналаган менинг кўзларим...

Чироқлар ёнса бас.
Ўз вақтида тун
Келаверсин кундузга эвас.
Чироқлар ёнса бас...

ЮРАК

(халқ оҳангиди)
Кўнгиллар бир-бирин излаб,
Бутун боғланди-боғланди.
Уларни ажратиб бўлмас,
Тутун боғланди-боғланди.

Севинчлар боғланиб қолди,
Аламлар боғланиб қолди,
Оловлар боғланиб қолди,
Тутун боғланди-боғланди.

Тирик сатрлар

Узиш мумкин бу оламда,
Қачон ип қисқа боғланса.
Илож йўқ, бизда занжирлар
Узун боғланди-боғланди.

Ватан, сен эмасми — онажон!
Сен мени кенгликка ўргатдинг!
Камтарликка ўргатди тупроқ.

Қалбимга бир чироқ ўрнатдинг, —
Мени йўлга бошлаган чироқ!
Сендан бутун орзу ва армон.

Кечирмайсан учраса ёлгон,
Ҳаётингда яшар йироқлар,
Сен заҳматдан яралган гурур.

Мен сени қўлайман, онажон,
Сенга бу кун бағишлайди нур —
Юракларда ёнган чироқлар...

О.МУХТОР (1941-2013) Халқ-
мизнинг атоқли адиби. Қирққа яқин
китоб — шеърлар, ҳикоялар, қиссалар,
ўнга яқин романлар муаллифи.
Ўзбекистон Республикаси санъат
арбоби, Давлат мукофоти лауреати.

Гулҳаё ИСМОИЛОВА

МУҚАДДАС МУЧПРОҚ

САЖДАГОХ

Ёруғ келажакни инъом этдилар,
Аждодлар курашиб улугъ шайн учун.
Мерос қолсин биздан муқаддас тупроқ,
Биз ёшлар масъулмиз шу Ватан учун.

Дўстим, ёниб яша шу диёр ҳаққи,
Истиқболи дея югур, ёнгин, ел.
Аждодларинг руҳи бўлар маъдакор,
Ватан хизматига боғлаганда бел.

Тенгдошим сену мен — ўзбек ёшлари,
Тинчлик қаноғати бирлашамиз, кел.
Сенинг эртанг билан чамбарчас боғлиқ,
Сенинг саждагоҳинг эмасми шу эл.

Бир зумга тўхтамас аср шидлати,
Ғоялар яралар янгидан-яни.
Эй содда тенгдошим, доим огоҳ бўл,
Дунёда бошланган ғоялар жанги.

Бузғунчи ғоялар ташламоқда тўр,
Қалбга чангал солар турли оқимлар.
Уларга нисбатан ватанпарвар бўл,
Огоҳлик энг яхши ҳимоя дерлар.

Сен учун бахт нима — айттин жавобинг,
Десалар айтурсан: Дунёга келиш.
Аслида бахт эрур осмонлар қалар,
Шу азиз Ватанда туғилиб ўсин.

Илк танишув



Г.ИСМОИЛОВА 1999 йил Хоразм
вилоятида туғилган. Лицей ўқувчиси,
“Қалбим чечанги” номли китоби
нашрдан чиққан.

Қишлоқдошларим буюк давлат қуришимизга ишончлари қомил.
Хозирнинг ўзида бу ерда ўндан зиёд қорхона бор. Вилоятдаги
энг йирик бозор ҳам шу атрофда. Дўконлари маиший хизмат
кўрсатиш шохобчалари анчагина. Йил бўйи тўй устига тўй.
Кайфиятлар чоғ, ниятлари катта, орзулари улкан. Сабаби:
“Ўзбекистон — орзулар мамлакати”.

Дехқончасига айтганда, Кўконга бо-
ринг, “Ўрда”ни айлантириб, Урганччи
кўринг. Қаршидаги “Амир Темуру”
кўпригида сайр қилинг, Тошкентда
Мустақиллик майдонини, Самарқанд-
да Регистонни, Гиждувонда Баҳоуд-
дин Нақшбандийни зиёрат қилинг.

Хуллас, томоша қилинг, хурсанд
бўлинг, маза қилиб яшанг...

Эртага янада яхши бўлади...

Чунки орзуларимизни рўёбга чи-
қараппмиз. Болаларимиз биздан-да
бахтли бўлишини мақсад қилганмиз.

Навоий, Ибн Сино, Беруний, Форобий,
Замашхариеларнинг илму маърифати
Истиқлол авлодида акс-садо бериши-
ни истаймиз. Шундан аввал қалб ва

тафаккур учун қошадаги мактаблар
қурдик. Шаҳару қишлоқларимизни
ясанттирдик. Ниятимиз — Ўзбекистон-
ни саодатли, инсон яйраб-яшнаб йшай-
диган мамлакатга айлантириш. Токи

бизнинг қудратимиз эзгуликда, бунёд-
корликда, муруватда, адолатда, юксак
орзулар ижобатида намоён бўлсин.

Ўзи тўғри гап яхши. Ҳаётга тўғри
қараб, тўғри сўз айтиш ҳар қалай зўр.

Болаларим индаллоси Қаршида,
ўртаси-ю охири Самарқандда кечган.
Ҳалигача “чи-чи”лаб қоламан: “Келай-
чи эдим”, “Кетайчи эдим...”

Самарқандда Тома исмли яхшудий
аёл онамнинг энг яқин дугонаси эди.

Гарчи онамнинг оиласи бизникидан
кўра анча тўкинроқ бўлса-да, ҳар за-
мон қозон-товоқ ё озроқ гуруч сўраб
турар, дадам: “Тўрт томонга рўзгор,
деб югураман, ҳар кун қамаламан, деб

қўқмаман, сен бўлсанг керак-ноқерак
сахийлик қиласан”, деб дўқ урар, онам
ҳамиша: “Тома дугонам билан бир
кўчада яшаймиз”, деб жавоб берадди.

Дарҳақиқат, кўчамизда татар, ўрис,
армани, гуржи, яхудий, бир-иккита
немис истиқомат қиларди...

Уларнинг дегарли барчаси бугун ўз
юртларида. Бахт ўтиши, замонлар
ўтиши билан ёпилган эшиклар очилди,
инсон наслида қондан қонга ўтув-
чи туйғу бор, минг йил ўтса ҳамки,
она-Ватанига талпинида. Шу билан



Ҳаммамиз Одам Ато наслиданмиз”,
деб жавоб берибди.

Биз мард, олижаноб, саховатли
халқмиз. Отамнинг “қўқиб яшайман”,
деганининг боиси, бобом Кутбиддин-
хон 24 ёшида “Отанг Мухиддинхон
қочиб кетди”, деган айб билан уч мар-
та қамалган. Дадам 8 ёшида акасига
қўшилиб, жўжабирдай рўзгорни бо-
қаман, деб қаттол тузумнинг зўравон-
ларидан калтак еб, эзилиб кун кечир-
гани туйғайли кўча-қуйда “мелиса”-
ни кўрса қочарди...

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари,
Самарқанд вилояти газетасида ишлаб
юрган чоғларим... Мустабид тузумнинг
руҳий исканжаси айрим ўзбек аёлла-
рини ўзини ёқиб мажбур қилди. Гоҳ

бу қишлоқда, гоҳ унисида қон қакшаб
қолган болалар, бошига мушглаб тур-
ган эркаклар... Бу аянчли манзаралар
кўз ўнгимда. Ичкиликбозлик, етишмов-

чилик ўз йўлига, умидлари пажмурда,
қадрсизлик, ҳимоясизлик, келажакдан
нажот йўқлиги уларни ўлим қўчогига
ташлади. Пахта далаларида кетмон чо-
пиб, гўдагини эгат бошида эмизиб,
неча мартабала ҳушидан кетиб уйга кел-
са ун йўқ, ёғ тугаган. Бир чеккада но-
чорлигидан алами тошиб ароққа
бўккан эр... Қайсидир аёл кўнди, қай-
сиси йўқ.

Абдували КУТБИДДИН

ОРЗУДАН ҚОЛМАНГ, ГУРУР БИЛАН ЯШАНГ!

Амалдор амалидан, дехқон ҳовли-
сидаги бир парча еридан ажраб
қолишдан, ижодкор миллатчи дейиш-
ларидан, муҳаррир хато қилишдан, она
боласи армиядан соғ-омон қайтмас-
лигидан — ҳамма-ҳамма қўрқиб яшар-
ди. Айтнинг, қўрқиб яшаш яшашми?!

Бобом, автохалокатда жон таслим
қилишдан олдин, яккаю ягона қизи-
га, ҳали Аллоҳнинг уч исми тажалли
этган зот бу **ВАТАННИ** зулматдан
ёруғликка олиб чиқади. Сабр қилинг-
лар, деган экан.

Воқеан, Истиқлолни бунёд этди ул
зоти бобобарокот. Истиқлол жудаям
бебаҳо неъмат. У ҳаётдан тотли, нон
каби азиз. У бизни асради, умримиз-
га умр қўшиди, синган қанотларимизни
тузатиб, парвоз бахш этди. Шунинг учун
ҳам тинимсиз Истиқлол, она ватан деб
қўйиб-пишамиз. Кўп гапирамиз. Ҳозир
тезкор, глобал аср. Вақт шамолдай
елиб борапти. Ёшлар ўғрилиб, суҳбат-
лашиб бизни юракдан тушунишлари-
ни истаймиз. Бебаҳо неъматни, давру
давронни кўнжларига солибмас,
кўнгилларида авайлаб дадил қадам
ташлашларини хоҳлаймиз.

Оталар ота эканлигидан, боболар бо-
болигидан, момолар момолигидан, ҳузу-
ру ҳаловатдан миннатдор. Айниқса, ке-
чанинг қоронғу пучмоқларида пичоқдай
қийноқларга чидаган ўзбек аёллари, қиз-
лари ва сингиллари бугун сенаторлар,
депутатлар, тadbirkorлар сафиди.

Ҳар бир соҳада етук мутахассислар
қаторида номлари янграб туради. Аёл
зотиға эҳтиром баландки, яшаб, очи-

либ, иқболларидан жамалаклар тақ-
салар арзийди. Энг асосийси, неки
истасалар кўллари етади. Ойилари-
да фаровонлик, ўзаро аҳиллик, ақдил-
лик, юксак **МУҲАББАТ** ҳукмрон.

Инсон тақдир ҳеч қачон бири-би-
риникига ўхшамаган. Ёдимда. Бундан
ийгирма йил олдин Жиззаҳдан ўтаве-
ришда, бир идоранинг пештоқида
шундай ёзув бор эди: “**Ҳасад қил-
манг, ҳавас қилинг...**”

Роса кулганман. Ўйлаб қарасам,

ёққа, бу ёқдан у ёққа машаққат йўқ,
роҳат бор, фароғат бор. Ҳали бунинг
қадр-қиммати ўн йилдан кейин яққол
билинади.

Ўшанда бу боғу бўстонлар шону
шурқати, қучли халқнинг бахту иқбо-
ли дунёга таралади.

Шу десангиз, “GM-
Uzbekistan” дагилар,
“Артел” дагилар, умуман, катта-кичи
қорхоналарда ишлаётган ёшлар инг-
лиз тилини билади. Инглиз тили —
жаҳон тили. Инвестор қаерда ёшлар
малакали, билимли, салоҳиятли
бўлса, ўша ерга келади. Маблагини
қўяди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик-
ка қўл уради.

Ёшларимизга ишониб, ҳозир мам-
лакатимизда ишлаш истагидаги
мана-ман деган йирик сармоядорлар,
қорчалонлар сафи йилдан-йилга
кўпайиб борапти. Ўзбек ёшлари, ав-
валамбор, билимли, сўнг интизомли.
Ташаббускор, “ота-онам” дейди. Ота-
онанинг қадрини билган, ҳурматини
бажо келтирган астойдил меҳнат
қилади, пана-пастқамга ўзини урмай-
ди. Ўғли, ота-онасининг қадрини бил-
ган, Ватанининг қадрига етади.

Мустақиллик майдонида “Бахтиёр
она” ҳайкали меҳр нурини таратиб ту-
рибди... У бамисли оқ сут берган бо-
лаларига ҳалолю покиза ашанглр,
омонлиқни асранглр, фақат бугун-
ни деб эмас, эрта-индин учун, унинг
чиройи, ажойиблиги, яхши қилиши
учун интилинглар, деяётгандай...

“Минг бир кеча”ни ким ҳам ёшлиги-
да ўқимаган?! Асарнинг бош қаҳрамо-
ни — Хорун ар-Рашид. Одил шоҳ, илм-
фан ҳомийси сифатида унга минг йил-
лардан буён эҳтиром билдирилади.

Унинг давридаги ажабтовуру воқеа-эр-
таклар самимияти, адолатга йўғрилган
ни билан ўчмас таассурот уйғотади.
Қаранг, шу афсонавий адолатпеша
шахсга ўрнатилган ҳайкални йигирма
биринчи асрда жангарилар ағдариш-
ди... Парижда, Истанбулда, Байрутда,
Бағдодда бегуноҳ одамлар қонини
тўқидилар... Яқин Шарқда юз минглаб
ойилар мотамда. Ваҳшату даҳшатдан
қочиб денгизга чўкканлар қанча...

Нега шундай? Бари инсонийлик
рутбасининг муқаддас ришталарига
болта урилганида. Ҳаётни ўйлаб аср
орқага қайтаришга бўлган шайтоний
фикрда...

Энди водий бир қадам. У ёқдан бу

Шарифахон тонг қоронғусида ҳовлига чикдию,
томорқада юрган каттагина қора шарпани кўриб,
додлаб уйга югурди.

— Хой, туринг, дадаси, турсангиз-чи, — нафа-
си тикилгудек бўлиб, эрини турткилади.
— Нима бўлди? — уйқутираб сўради Карим-
жон.

— Ҳовлида бир нарса юрибди,
туринг, қаранг!

Каримжон апил-тапил эгнига ен-
гил тўнини ташлаб, ҳовлига югуриб
чикди. Тонг ёришар палласи. Кар-
имжон шарпани кўриб қузатди,
сўнг унинг каттақон сигир эканли-
гини пайқайди. Ҳовлининг қўшни то-
мони, дала йўлига туташ тарафла-
рига тўсиқ қилиб гуваладан бўша-
либ, ўтлаб кириб қолибди-да», деб
ўйлаган Каримжон хотиржам
бўлди. Дарров бориб, ярми экан-
нинг бўйида, ярми ерда судра-
либ юрган арқондан ушлаб,
ҳовли этагидидаги ўрикка сигир-
ни боғлаб қўйди. «Қанақа беғам
одамлар экан, моли бўшалиб,
ҳовлима-ҳовли юрса ҳам иши
йўқ, Ҳали замон қидириб қолишса керагов. Да-
раклашиб келишса, суюнчисини бақувватроқ
чўзмагунча бермайман...» Шу ўй-хаёллар билан
Каримжон молнинг олдиға ўт қилиб ташлади. Си-
гир томорқадаги экинларни анча
топтаб ташлади. Барра сабзилар,
селкиллаб қолган пиёзларни пай-
хон қилибди.

Каримжон ҳовлига кўз ташлади. Экинлар яроқ-
сиз ҳолга келганига қараганда, сигирнинг ҳов-
лига кирганига анча вақт бўлган. Кун ёришиб,
қуёш кўтарилга бошлади ҳамки, биров сигирни
сўроқлаб кирмади.

— Дадаси, сигир соғин экан, елинлари тирсил-
лаб турибди, соғиб олайми? — сўради Шарифа.
— Эсинг жойидами? Эгасидан сўрамай қан-
дай соғасан? — аччиқланди эр.

Эр-хотин кечгага сигирнинг эгасини пойлаш-
ди. Каримжон шунди деб, ишдан қолди, кўчага
чиқолмади. «Тавба, эгаси қанақа беғам одам
экан-а, наҳотки кун бўйи қидирмас, оммале-
кин, сигирмисан сигир экан-да, икки челақ сут
берида-ёе...»

Эр-хотин сигирга ўт-сув бериб, кўнни ўтқизиш-
ди. Эртасига эрталаб, Каримжон кўчага чиқиб,
сигир йўқотган ёки сўроқлаётганларни суриш-
тирди. Бировдан тайинли бир гап чиқмади.

— Каримжон, маҳаллага чиқинг, уларнинг хаба-
ри бўлса керак, — маслаҳат берди қўшни Ғани-
жон ака. Каримжон маҳалла фуқаролар йиғини
идорасига чикди, маслаҳатчилар билан учрашди.
Худуд ноэирини бу ҳақда хабардор қилди.

— Сигир уйингизда туратурсин, сўроқлашиб
келиб қолишса, хабар берамиз, — деб жавоб бе-
ришди идорадагилар. Орадан уч-тўрт кун ўтди.

Шарифахон эрталаб, кечқурун елинлари тўлиб
турган сигирни соғиб олар, сигир жонивор ҳам
ювошгина экан, соғаетганида жим туриб беради.
Сирланган пақир тўла суддан ҳар кунни каттақон
дўғол чинида тўла қаймоқ тушади. Ҳадеганда си-
гирни биров сўроқлаб келмади. Энди у шу хо-
надоннинг ўз молидек, оила аъзоларига ҳам
ўрганди. Каримжон яқин далалар-
дан биридаги фермернинг ерида
сўчилик қилади. У ҳар гал ишдан
қайтаётган, велосипеднинг орқа
ўриндиғига бир кўтарим ўт босиб
қайтадиган бўлди. «Қани энди, шу
сигир ўзимники бўлиб қолса...» деб
ўйлади у ҳўра сигирнинг ўт еяётга-
нини завқланиб томоша қиларкан.

Бироқ, эртами, кечми сигирнинг
эгаси сўроқлаб келади-ю, уни етак-
лаб кетадигандек. Сигир бўғоз экан,
бирдан сутти тортилиб қолди-ю, ой
ичида туғиб берди. Энди сигир-бу-
зоқни боқиб учун кўпроқ ўт
келтирадиган бўлди. Карим-
жон маҳалла оралаб, кўча-
қуйда ундан-бундан гап олар,
сигир эгасига тааллуқли би-
рон-бир хабар топишга умид
қилар, шундай жониворни
йўқламаётган киши қандай

одамлигидан таажжубда эди. Маҳалладошлари-
дан бири тўй бошлаб, эрта тонгда «Хатми Қўр-
он» ўқитириди. Домла саховат, меҳр-оқибат, хайр-
садақа ҳақида маъруза қилди. Эрталабки нонушта
маросими тугаб, ҳамма тарқалаёт-
ганда, Каримжон домлани секин
четга бошлади.

— Бир нарса сўрамоқчийдим, тақсир?
— Сўранг...

Каримжон сигир воқеасини домлага батаф-
сил сўзлаб берди. Охири:

— Эгасини қандай топсам бўларкин, ҳар ҳолда
бировнинг моли, менга буюрмайди-ку? — деди.

— Кўпчиликка эълон қилибсиз, дараклашиб-
сиз, эл-юртага ошқор қилибсиз, орадан шунча
вақт ўтибди, эгаси топилмабди. Бу — сизга
ҳалол тухфа бўлибди. Кимдир сизга бировлар-
га билдирмай сигирни ҳаёда этибди. Ўша одам-
ни дуо қилиб, сигирни ўз молингиздай қабул
қилинг, — деб маслаҳат берди домла. Карим-
жон кимнингдир фалон пулли сигирини ҳаёда
сифатида қабул қилишни ақлига сиғдира ол-
май, хомуш уйига қайтди...

Аслида, улардан уч-тўрт маҳалла нарида яшов-
чи бир саховатпеша инсон бу серфарзанд оилага
сигирни тухфа қилганини ҳеч ким пайқамай қолди.

— Бир нарса сўрамоқчийдим, тақсир?
— Сўранг...

Каримжон сигир воқеасини домлага батаф-
сил сўзлаб берди. Охири:

— Эгасини қандай топсам бўларкин, ҳар ҳолда
бировнинг моли, менга буюрмайди-ку? — деди.

— Кўпчиликка эълон қилибсиз, дараклашиб-
сиз, эл-юртага ошқор қилибсиз, орадан шунча
вақт ўтибди, эгаси топилмабди. Бу — сизга
ҳалол тухфа бўлибди. Кимдир сизга бировлар-
га билдирмай сигирни ҳаёда этибди. Ўша одам-
ни дуо қилиб, сигирни ўз молингиздай қабул
қилинг, — деб маслаҳат берди домла. Карим-
жон кимнингдир фалон пулли сигирини ҳаёда
сифатида қабул қилишни ақлига сиғдира ол-
май, хомуш уйига қайтди...

Аслида, улардан уч-тўрт маҳалла нарида яшов-
чи бир саховатпеша инсон бу серфарзанд оилага
сигирни тухфа қилганини ҳеч ким пайқамай қолди.

У.ЭГАМБЕРДИЕВА 1956 йили
туғилган. Андижон давлат педагогика
институтининг филология факул-
тетида тахсил олган. “Дийдор”,
“Меҳр” сингари ҳикоялар тўпламлари
чоп этилган. Ижодкор ўқитувчилар
республика анжумани иштирокчиси.

Иймон — ҳамкорликда, сабрда, чин
этиқоддадир. Аксинча эмас.

Инновациялар, янги технологиялар,
яхшилиқ, дўстлик, биродарлик билан
бир қаторда, душманлик, бидъат, фит-
на, бузуқ ғоялар ҳам бор гап. Шу боис

ғояга қарши ғоя, жа-
ҳоллатга қарши маъри-
фат билан курашиш

шунчаки сўзлар эмас, улугъ, қудратли,
аҳамиятли ҳикматдир. Биз ўзимизни,
оиламизни, болаларимизни ҳимоя қил-
масак, келажак ҳавф остида қолади.

Уларни пинҳона таҳдидлардан қўриқ-
лашимиз лозим. Оруларимизни ас-
раб-авайлашимиз, ҳавф солиш эҳтимо-
лини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

**Дунёни гўзаллик эмас, яхши-
лик, меҳр-оқибат, сабр, эзгулик
қутқаради. Орзу эса уни камолот-
га элтади.**

Яқин орада байрам. Йигирма беш
йил қўлқўл қилмасдан, эгилмасдан
яшадик. Орзуларимиз сари талпин-
дик. Ўшай яшагга ўргандик. Бу йил
жаҳон Олимпиадасига борадиган йи-
гит, қизларимиз сони юздан ошди.

Шубҳасиз, улар кимлигимизни
юксак майдонда исботлашади. Ҳеч
кимдан кам бўлмаган авлод воёга
етди. Ўзбеклар овозини, салоҳияти-
ни дунё билди, тан олди.

Миллий туйғулар ва уларнинг гултожи бўлган миллий гурур ҳақида ёзмоқчи бўлиб ўйлаб ўтирибман. Бошидаёқ айтиб қўя қолганим яхши: миллий гурур асло-асло ураватанпарварлик эмас. Лекин кўпчилик-да, шундай тушунадиган, ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас ҳар бир миллат орасида. Дунёнинг ҳаммаёғидан ҳар дамда ёғилиб турган хабарлар оқимларида бунинг мисоллари сергак торттириб пешонамизга урилади. Кимдир учираётган ракетасига маҳлиё бўлиб қуш боқиш қилиб уфқларга сармаст боқиб туради.

Кимдир кафедра ҳўрандаларни портлатиб, бундан сархуш бўлиб Европа пучмоқларида ўғри каламушдай ватерклозетларда қочиб юриди. Ўз қичишган ваҳший гурурини эркалайди. Яна кимдир Ернинг қорамой, газ хазиналарини бебилиски сўғуриб пуллаётгани ва бунинг миллий кадр-қиммат деб атаб ўз-ўзини ҳам, дунё ахли оммасини ҳам лақиллатишга зўр бериб уринаётгани билан керилади. Бу керилишлар, мақтанишлар, тақаббуриланашлар асло ҳақиқий миллий гурурга кирмайди, асло унга дахлдор эмас. Лекин инсоният оз эмас, кўпчилик-да, шундай ўйлайдиган, тушунадиган, шунинг

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ЖОНИМДАГИ МИЛЛИЙ ГУРУР

дан келиб чиқиб ўз хатти-ҳаракатларини режалаштирадиганлар ҳам оз эмас.

Ҳа, миллий гурурни миллий, ирқий устулик деб билдиришлар ҳам оз эмас. Бунга диний устулиқни оғушта қилдиришларни ҳам қўшасан, бир қарашда оддий кўринган масала ер юзи микёсида олганда жуда мураккаб эканлигини аниқлаймиз. Бунинг устига бу шундай нозик масалаларданки, у доим-доимо товланиб туради: ортиқ даражада турланиб туради.

Бу товланиш ва турланишларга мисоллар сон-саноксиз.

Устуликка эришиш учун ер юзини, ер остини (ҳозирча ер устини ҳали тасарруфларига киритиб улгурмадилар) талаётганлар қайтиш борлигини, қайтиш алоқаси(кибернетика) мавжудлигини ҳисобга олмайдиларми! Устулик эндиғи замонларда мутлақо саробга, сароб ғояга айланиб бораётганлигига диққат-этибор қилмайдиларми!

Кеч бўлаётми! Кеч бўлаётми! Инсоният кечга қолаётми!

Ўзбекистонда беҳад тўкин бозорлар! Беҳад тўкин янги бозорлар! Беҳад тўкин янган даладар! Шовуллаган, тўлганган бугдойзорлар!

Яшаворинг! Яшаворинг! Яшаворинг дегинг келади. Илгари ҳеч қачон бундай тўкинликни, бундай арзончиликни кўрган эмасми! Нон ҳақи! Туз ҳақи! Худо ҳақи! Дехон, чорвадор, борбон ўзининг миллиардердан кам эмаслигини сезди! Ҳис қилди! Унинг фарзанди Нью-Йоркда ўтириб банк ишларини бошқаряпти! Унинг фарзанди дунё спорт майдонларида ўз республикаси байроғининг баланд кўтарилишига эришяпти, мамлакатини номини тилларда дoston бўлишига улуг улуш қўшяпти. Тоғлар оралаб ақлни лол қилувчи янги йўллар тушяпти. Истиклолнинг дастлабки улуг шiorларидан бири "Ҳеч кимдан кам эмасми!" ўз ҳаётини, инсоний-маънавий исботини топапти. Кейинги йигирма беш йил бу шiorга янги тарихий, ижтимоий, иқтисодий маъно ва мазмун бағишлади. Сўзлар қарийдагидек теран фалсафий мазмун тўла юзага чиқди.

Булар том маънода миллий гурурнинг тўла муҳассами деб ҳулоса чиқаришга изн беради. Миллий гурур яратувчиликни ҳаракатга солувчи куч — унинг ёркин муҳассами

ми, деб айтишга ишончли имкон беради.

Шу маънода миллий гурурни инсоннинг куч-қудрат манбаи — одамни одам қилган тик умуртқага монанд дейиш мумкин. Одам ўз умуртқаси билан ер юзидан бошқа махлуқлардан ажралиб чиқди ва ўз ризқини ўзи меҳнат қилиб, ақл-идрок билан топишга муяссар бўлди. Махлуқлардан ажралиб чиқиб, тоғвар бўлди.

Маънавий гурур йўқ жойдан ҳосил бўлмайди. Унинг



келажақ томонларга томир отади, беҳад тармоқланади. Тарихнинг бугун ва келажақ сари тармоқланиши барча соҳалар учун аҳамият-ли. Келажақни ёритиб турадиган ўтмишдан биз фикр оламиз, фикр-ҳаёлимиз буюк тармоқ отади. Бугунги ва эртанги йўлимизни белгилаганда, унинг тархларини қўли олдимизга келтирганда, қандай бўлиши, қаерлардан ўтишини чамалаганда ўтмишдан ибрат оламиз.

Биз Ақлимиз, Интеллектимиз кўриб турган йўллардан борамиз.

Миллий туйғулар, миллий гурур одамни одамбашара қилади. Ақс ҳолда умуртқаси буқилган жонивордан фарқи қолмайди. Умуман, миллийлик деган жуда долзарб масала устида кўп ва узлуксиз фикрлашга тўғри келади. Ялпилик ва кескинликларни бошлаб келаётган глобализациянинг тақозоси шу глобализация бир қанча миллий урф-одатларимиз, тўнимиз, тўйимиз, расм-русумлари-

асоси маънавий ҳаёт, миллий қарашлар таркибиди.

Бобосига набирасининг жаҳон турнирида ғолиб чиқиб, чемпионлик унвонини кўтариб келганидан ортиқ тортиқ йўқ. Бунинг қувончи, фахри ўзгача.

Устозга шоғирд тадқиқотининг катта муваффақият қозонганидан ортиқ совға йўқ. Бунинг қувончи, гурури ўзгача.

Миллий туйғулар тарбиясида мамлакатимиз чорак аср давомида ўзгача мақом касб этди, ўзгача камолот даражасига етди. Ўзбекистонда инсоннинг ўз-ўзини таниш даври бошланди. Ўзини яхши таниган одам, билган одам бошқаларни танийди, билади, ҳурмат қилади. Миллий гурур ўзини таниш ва ўзгани танишининг энг мукамал олий даражасида юзага чиқди, ҳаракатчан, яъни таракқиётга хизмат қилувчи кучга айланди.

Миллий туйғулар тарбияси ҳақида гап-лашмай қўйдик. Глобализациянинг босими жуда катта. Назаримда, бу босим қанча қучайиб борса, миллий туйғулар тарбияси, миллий гурур тарбияси ундан қучиқроқ мавқега эга бўлиши, ундан кўра қучиқроқ, таъсирчанроқ ҳаракатчи керак. Миллий гурур қарамлик, асорат, камситиш, ҳўрликларга қарши қанчалар қудратли қуролга айланган бўлса, у миллий белгилар, ўзига хосликларни сийқалаштириб, юзаклаштириб, охири-оқибат ўчириб борадиган умумийликсиз касб этган глобализация принциплари қарши туролдиган руҳий-маънавий, ахлоқий кучдир. Миллий гурур камситишларга қарши куч сифатида Адиб Аҳмад, Навоий, Бобур, янги замонларда эса Бехбўдий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғуллом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодий сиймоларида тисмол даражасига кўтарилди. Навоий ва Ғафур Ғулломнинг барча асарлари миллий туйғулар, миллий гурурнинг намоён бўлиши, инкишофидир. Миллий гурур тил, адабиёт, тарих, ақл-идрок, интеллект, хотира майдонларида бор гўзаллиги, бўй-баста билан ҳамма ердан, ҳатто Мирхонддан ҳам кўзга аён ташланиб туради. Бизда бу соҳалар мислсиз жонланаётгани одамга мустаҳкам умид ва келажақка ишонч бағишлайди.

Биз ўтмишга нега қараймиз? Чунки ўтмиш келажақни ёритиб туради ва

мизга ҳам эволюция нуктаи назари, ислоҳ нуктаи назари билан қарашимизни талаб қилаётми.

Гомеостазис деган бир тушунча бор кибернетик фикр дунёсида. Инсон вужуди ва руҳиятида ажиб бир яхлитлик, барқарорлик мавжуд. Ташқи ва ички муҳитда шу бутунлик ҳамда барқарорликни бузадиган, издан чиқарадиган турли-туман омиллар ҳар қадамда учрайди. Инсондаги миллий туйғулар ва, айниқса, миллий гурурга шу омилларга, улар келтирадиган бўзилишлар, айнишларга ишончли қарши тура олади.

Миллий гурур ва гомеостазис деганда тарихимиздан Жалолиддин Манғуберди феноменига мурожаат қилгим келади.

Манғубердининг шахсий котиби, улуг ва одил муаррих аллома Насавийнинг ёзишча, тарихнинг энг феолизи бўрилиш паллаларидан бирида Манғуберди олеси Хон-Султондан мактуб олади. Хон-Султон асоратга тушиб, Чингизхоннинг ўғли Жўжига хотин бўлишга мажбур бўлганда "Хоқон сен билан келишмоқчи, қариндош тутинмоқчи. У сенинг куч-қудратингни билади. Хоқон Жайхуннинг у томонидан барча ерлар сенни, бу томонидан барча ерлар уники бўлишини тақлиф этапти. Агар қучинг етса, ўч ол. Агар енгман десанг, жанг қил".

Жалолиддин опасининг бу хатини жавобсиз қолдирди. Шунга яқин яна бир воқеа. Ғарбдаги бир қанча мусулмон ўлкаларнинг подшоҳлари Кўня ҳўқмдори Аловуддин Кайқубод I бошчилигида Манғубердига хат йўллаб, уни мўғуллар билан ярашишга даъват қилдилар. Агар у яраш йўлини тутса, ҳар томонлама мадад беришга ваъда бердилар. Манғуберди бу мактубни ҳам жавобсиз қолдирди.

У бутун улуг мамлакатни вайронага айлантирган, халқни қонга ботирган ва дарбадар қилган ваҳший тўда билан яраш битими тузишни истамади. Бунга унинг ботир гурури йўл қўймади. Мана шу ботир миллий гурур олдида босқинчиларнинг даъволари жуда ҳам кичкина бўлиб қолди. Буни тарих исботлади.

Миллий гурури бўлмаганлар ва миллий гурури халқ учун самарали, манфаатдор ишламайдиганлар халқ ва тарих олдида "кичина" бўлиб қолурлар.

МАЪНАВИЙ ОБИДАЛАР ХАЗИНАСИ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари-даноқ кўхна тарихимизга муносабат тубдан ўзгарди. Юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз меросини чўқур ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган бобаконларимиз таваллудли халқаро микёсда нишонланиб, уларнинг маънавий-илмий меросини тадқиқ қилиш ва халқимизга етказиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги нодир кўлёмалар ва қадимги босма китобларни сақлаш ҳамда тадқиқ қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда давлат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни баҳарлашда йирик манбашунос ҳамда матншунос олимлар билан бирга ёш тадқиқотчилар ҳам фаол иштирок этишаётми. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлёмалари марказининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлёмалари маркази фонди дунёдаги энг йирик кўлёмза хазиналаридан бири. Бу ерда 65000 жилддан ортиқ кўлёмза, тошбосма китоблар ва шарқ тилларида ёзилган тарихий ҳужжатлар сақланган. Улар, асосан, араб, форс ва туркий тилларда битилган бўлиб, Марказий Осиё ва хорижий Шарқ халқларининг тарихи ҳамда маданиятини, адабиёти ва фани тарихини ўрганиш учун ишончли манбалардир.

Марказнинг кўлёмалар фонди дунёнинг бой кўлёмза хазиналаридан бири сифатида ЮНЕСКО ташкилотининг «Маданий мерос» рўйхатига киритилган. Кейинги йилларда фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида матншунослик ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида бугунга қадар XVI–XX асрларга мансуб ўнга янги тарихий ва тасаввуфга оид асарларнинг аслияти факсимиле тарма ва танқидий матн шаклида чоп этилди. Матншунослик ва манбашунослик тадқиқотлари доираси бир нечта манбалар таржималари ва илмий излашлар ҳисобига кенгайди.

Манбашунос олимлар томонидан Германиянинг Герда Хенкел халқаро гранти асосида Асосий фондимидаги кўлёмаларнинг инглиз тилидаги электрон каталоги тузилмоқда. Унда кўлёмалар европа каталоглаштириш тизими талаблари асосида тавсиф қилинмоқда. Шунингдек, марказ ходимлари «Uzbekistan today» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» туркумига кирувчи китоб-альбомлар — Самарқанд (Шоҳи Зинда ва Регистон), Хива, Андижон, Наманган, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси эпиграфик наشريда иштирок этиб, архитектура ёдгорликларидаги матнлар таржимаси ва тадқиқоти устида излашни олиб бормоқда.

Марказ тизимасига турли мавзуларга оид кўлёмза ва тошбосма манбалар, кўхна кўлёмалар фондини сақлаш ва бойитиш, уларни тизимлаш ва қайта тиклашни таъминлаш ҳамда ноб кўлёмаларнинг электрон базасини тузиш, шарқ тилларидаги манбаларни тадқиқ этиш вазифаси юклатилган. Айни пайтда марказимиз бир қатор олий таълим муассасалари, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ислом университети, Тош-

кент давлат педагогика университети олимлари билан фан ва таълим соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунга қадар марказдаги фан тарихига оид тадқиқотларда алломалар илмий меросини ўрганиш, Беруний, Ибн Сино, Ҳаким Термизий, Абу Ҳафс Насафий, Босит-хон Шоший сингари бобаконларимиз асарларининг таржима ишлари амалга оширилди. Қолаверса, муассасамизда иккита фундаментал ва тўртта амалий давлат лойиҳаси устида излашни олиб борилаётми. Бинобарин, «Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари» деб номланган фундаментал лойиҳа доирасида марказ фондидаги Марказий Осиё тарихи, фани, маданиятига оид илмий муомалага киритилмаган шарқ тилларидаги ёзма манбаларнинг асл матнлари ва таржималари нашрга тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳа асосида Абу Райҳон Берунийнинг «Хронология» асари русча таржимасига тузатиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда қайта нашр қилинди. Шунингдек, Абу Ҳафс Насафийнинг «Матлаъ ан-нуҷум ва мажмаъ ал-улум» («Юлдузларнинг чиқиши ва илмларнинг тўпланиши жойи») қомусий асарининг дунёдаги янги кўлёмаси факсимиле нашр этилди.

Шунингдек, Оғаҳийнинг «Зубдат ат-таво-рих» асари илмий-танқидий матни ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда нашр қилинди. Асарнинг олпти кўлёмаси мавжуд бўлиб, шулардан учтаси марказимиз фондида сақланаётми. Улар орасида Оғаҳийнинг дастхат нусхаси борлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Айни пайтда марказ фондида адабиётга оид девонлар, газаллар, баёзлар, тазкиралар, ҳикоялар, дostonлар, қасидалар, тилшуносликка оид сарф, наҳв, луғат тўпламлари ва соҳага тааллуқли бошқа рисоаларнинг 5000 дан зиёд нусхаси сақланмоқда. Ҳозиргача асосий фонддаги 500 дан ортиқ девон аниқланиб, 415 таси илмий тавсифланди.

«Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлёмалари маркази хазинасида сақланаётган фалсафага оид кўлёмаларнинг тематик фикрнинг тузиш» амалий лойиҳасида фалсафага оид марказ фондида сақланаётган кўлёмаларнинг илмий тавсифини тайёрлаш режалаштирилган. Тадқиқотлар натижасида марказ асосий фондидаги 373 та кўлёманинг илмий тавсифи тайёрланди.

Маълумки, 2014 йилда Юртбошимиз Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилиш пайтида олим ва изланувчиларимизга бир қатор тавсиялар берган эди. Шундан келиб чиқиб, марказимиз томонидан «Термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, асарларининг таржима ва нашрини амалга ошириш» амалий лойиҳаси доирасида мамлакатимиз ва хорижда сақланаётган термизлик алломалар асарлари ҳамда уларнинг ҳаёти ва фаолиятига алоқадор маълумотлар тўпланди. Унда воҳа олимларининг 129 та асари, 452 та кўлёмасининг илмий тавсифи тузилган каталог чоп этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ёзма манбаларни тадқиқ этиш марказнинг доимий устувор йўналишларидан бири саналади. Зеро, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида бирламчи манба асосида тайёрланган китобларга эҳтиёж катта. Баркамол авлод тарбиясида буюк мутафаккирлар меросининг ўрни беқийсдир.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди

«Фарғона ҳақиқати» вилоят газетасида ишлаб юрган пайтимиз эди. Устоз Йўлдош Сулаймон бўлим мудири, мен эса ходимман. Куз ойлари, пахтага тушиш арафасида тўйлар, тантаналар қўпаяди. Йўлдош ака тақлифлардан бирига етиб боролмади, вақтнинг зиклигидан ўқинди. Охири ўзини юпатган бўлиб: «Маънавий қарздорлигимиз йўқ. Бормасак ҳам бўлаверар-а? Энди, қайси бирига борасан, одам. Улгуриб бўлмаяпти», деб қўйди.

Ушанда «маънавий қарздорлик» ҳақида ниманидир англагандим. «Моддий қарздорлик» анча осон экан: олган қарзингизни вақтида қайтарсангиз, бас. Бирок маънавий қарздорлик — бу масъулия, бурч ва уни ёруғ юз билан қайтарган, бажарган маъқул. Айниқса, устозлар олдидаги маънавий қарздорлик бизни шундай йўл тутушга чорлаб туради.

1963 йил баҳорида илк бор газетамга шеърларимни олиб боргандим. Йўлдош Сулаймон синчиқлаб ўқиди, озгина мактада, камчиликларини айтди. Хонадан хурсанд бўлиб чиқдим. Уша пайтда, Фарғона педагогика институтида ўқийётганимда, гарчи ҳар ҳафта икки-уч марта тахририятга катнасам-да, устознинг дарё қалбини, меҳрини илгаманган эдим. Институти тугатиб, газетамга ишга жойлашганимдан сўнг Йўлдош ака билан бир хонада ишладим. Ҳар кун устоздан ниманидир ўрганар,

унинг ёрдамига таянар эдим.

Бир кун Йўлдош ака таниқли шоир Чархий ҳақида газетанинг эртанги сонига очерк ёзишга киришди. У киши тинимсиз ёзган, мен эса машинкада кўчирилган матнни пешма-пеш ўқиб, имлосини текширдим. Бунча сўзлар қаердан қуйилиб келяпти экан, деб хайрон бўлардим... Эртасига очерк газетанинг пастки икки саҳифасида босилиб чиқди, яна қайтадан ўқидим. Ушанда Йўлдош Сулаймоннинг чинакам истеъдод соҳибига эканига ишонч ҳосил қилдим. Ўн тўрт йил вилоят газетасида ишлаган бўлсам, бошқа бирор қаламкашнинг номерга очерк ёзганини кўрмадим. Ахир, бу аслада осон иш ҳам эмас-да. Йўлдош ака шоғирдларини ҳам шундай жон қойитиб меҳнат қилишга ўқарди. Малика Мирзаева, Алишер Ибодитов, Сайдали Одилов имзоси билан фаол замонашларимиз ҳақида очерклар, мақолалар, лавҳалар босиларди.

ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ

Бизни устоз фидойи юртдошларимизни излаб топишга, уларнинг меҳнатини қаламга олишга даъват этарди.

— Очерк ёзиш ижодкорни ўстиради, ҳаётга, одамларга, замона астойдил назар солишга ўргатади. Шу билан бирга, қаламини чархлаб, ҳикоялар, қиссалар, романлар ёзишда кўприк бўлади, — дерди адиб.

Йўлдош Сулаймон болалар шоири, очеркнавис, романлар муаллифи сифатида адабий жамоатчилик, мухлислар эътиборини қозонди. Умрининг охирида эса ҳассос шоирга айланди. Айни пайтда иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаб, адабиётнинг катта майдонига олиб кирди. Бир кун почта орқали тахририятга келган битта шеърни хонама-хона юриб ўқиб бергани: «Эшитинглар-а, Риштонда шоир туғилибди!..», дея хайқиргани эдимда.

Кейин ўша шоирни излаб Йўлдош ака Дўтир қишлоғига

борди. Ёш шоир билан учрашиб, кўнгли ором топди ва унинг ижодини умр бўйи қузатиб юрди. Бу таниқли шоиримиз Бағҳодир Исо эди. Устоз шоғирдларини катта меҳр билан сўярди.

Қалб кўрини шоғирдларига, бошқача айтганда, адабиётнинг гуллашига, ёш ижодкорларнинг ўсиб, камол топишга бағишлаган, десак муболаға бўлмайди.

Йўлдош аканинг ҳар бир ҳаракатида, ҳар бир сўзида хайрлик ишга, яхшилик қилишга интилаётгани яққол кўриниб туради.

Ўзи ҳам: «Яхши, яхши!», деган сўзни яхши кўрарди. Чиндан ҳам, устоз яхшиларнинг яхши-си эди.

Ҳамманинг унга мурожаат қилишга ҳадди сиғарди. Ёрдам сўровчилар: боши берк қўчага кириб қолганлар, сеғги йўлида адашганлар, қўли қалталар, суянчиги йўқ одамлар Йўлдош аканинг ёнига келишарди. Шоир уларни астойдил эшитиб,

ёрдам қўлини чўзарди. Кўнгли буюрса, югуриб кетарди.

— Кўнгли буюрса, тоғнинг нариги ёғига бўлса ҳам, пийда бўлса ҳам етиб бораман, — дегувчи эди.

Устоз атрофидаги ҳар бир инсоннинг бахтли бўлишини истар, бироқ бахтга ҳеч қачон осонликча эришиб бўлмаслигини ўз ҳаётидан мисоллар келтириб эслатиб, меҳр туйғуларини одамларга, ҳаётга қуёшдек сочиш лозимлигини доимо таъкидларди. Устозлари Саид Аҳмад, Ҳамид Ғуллом, Носир Фозиловни бошига қўтаргудек ардоқлар, қунора Тошкентга кўнгириқ қилиб, улардан ҳола-ахвол сўраб, уларнинг суҳбатидан куч-қувват, илҳом оларди.

Йўлдош Сулаймоннинг Фарғонадан Тошкентга эшитилдиган қаҳ-қаҳаси Чимёнсойнинг шоввалари каби мавжли, Садҳак булоқларидай тиник, шоир қалби ҳаммага бирдай очик, меҳрли, муҳаббатли эди. Мақсадлари улкан, назари баланд эди.

— Майда-чўйда нарсаларга ўралашмаслик керак, қаламни кўлга олдингизни, унга содиқ бўлинг, фидойи бўлинг. Ижод йўли ҳеч кимга осон бўлмаган.

Ундан хиёл чалғиган одам ярим йўлда қолиб кетади, — дерди Йўлдош ака.

Дарвоқе, ярим йўлда қолганлар ҳам бўлди. Устоз қанча вақтларини сарфлаб йўл-йўриқ кўрсатган, ижод сирларидан хабардор қилган шоғирдларидан айримлари ижод захматидан чекиндилар. Бироқ уларнинг ҳаётини кузатиб, барибир устоз ўғитлари зое кетмаганига ғувоҳ бўламан. Уларнинг ҳаммаси, назаримда, яхши инсонлар, билимдон ўқитувчилар, ёшларни эзгулик сари етакловчилар, адабиёт мухлислари, адабиёт тарғиботчилари бўлиб қолдилар. Дарҳақиқат, адабиётнинг йўли ҳаммаша нурли, у қайси юракка кириб босса бир гулзор яратарди.

— Мен Йўлдош Сулаймонни кўрмаганимдан, бир марта бўлса ҳам гаплашганимдан афсусланаман, — дейди шоира Фаридат Анос. — Билган, кўрган одамлардан у киши ҳақида фақат яхши гаплар эшитдим. Оддий одамлар ҳам, ижодкор бўлмаган инсонлар ҳам устоздан кўп яхшиликлар кўрганини айтишди...

Йўлдош ака ижодкор аёлларни жуда қадрларди, отадай,

акадай, дўстдай, биродардай ардоқларди. Хатоларимизни оғринмай кечирарди. «Аёллар кўзиде ёш кўрсам, чидалмайман», дегувчи эди. Шунданми, Фарғонада, Йўлдош Сулаймон атрофида аёл ижодкорлар катта бир чамандек барг ёзган, гул очган эди. Қўқондан Мақсудда Эгамбердиева, Дилбар Ҳамза-хўжаева, Олтиарқад Ҳамзада Эргашева, Қувадан Ҳўро Алиева, Риштондан Ойдин Темирова, Фарғонадан Малика Мирзаева, Муҳаббат Иброҳимова, Гулбаҳор Саидганиева, Водилдан Мўстафав Ғулломов, Нарғиза Ёқубжон кизи, Бағдоддан Озода Тўрақулова ва яна кўплаб ижодкорлар ўзларининг янги асарларини биринчи бўлиб Йўлдош Сулаймон назаридан ўтказишарди.

Шуниси қувонарли, бугунги кунда уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнига эга, замонамизнинг камарбаста инсонларидир.

Устозни йўқотганимизга ўн йилдан ошди. Бироқ Йўлдош Сулаймон сабоқларни биз шоғирдларини ижодий меросидан баҳраманд бўлиб, одамлилик мартабасини баланд тутушга чорлаб туради.

Матлуба ДЕҲҚОН кизи,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмиси аъзос

Кўз олдингизга келтиринг. Катта театр сахнасида концерт давом этмоқда, инсон қалбини ларзага соладиган мусиқа садолари, қўшиқ сўзлари юраклардаги дардини, орзу-ниятни қўзғайди, ҳар кимнинг ўзигагина маълум бўлган сир-синоат кўзларида акс эта бошлайди. Шу аснода инсонда миллат руҳи уйғонади.

Бирдан сахнада пайдо бўлган қорақалпоқ раққослари чексиз денгизни, соҳилга урилган пўртана сувларнинг шиддатли оқимларини эслатувчи осмонга сапчиётган тўлқинларга ҳамоҳанг ҳаракатлар билан кўнглимизга жўшқинлик, заъв олиб киради. Қорақалпоқ йигитларининг ушбу "Шағала" рақси беихтиёр шеърини сатрларга кўчди:

рақс санъати бугунги кунда ўзимиз ва жаҳон сахнасида ҳам бетакрор жозибаси билан намоён бўлмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг Нукус шаҳрининг 70 йиллигига бағишланган маърузасидаги куйидаги фикрларни келтириш жоиз: **"Кимки бу жафокаш халқнинг беғубор қалбини,**

Қадриятларимиз

ларда, Римма Адикова, Зулайхо Сапарова, Оразгул Алламбергенова каби раққоса-

лар ижро маҳорати ва истеъдоди билан кейинчалик Ўзбекистоннинг таниқли санъаткорлари сафига қўшилдилар.

Таниқли балетмейстер Лизахоним Петросова Бердақ номидаги филармониянинг раҳбари бўлиб ишлаган пайтларда "Қорақалпоқлар тўйи", "Қиз узатиш", "Балқичилар", "Шағала", "Илма султон", "Чўпонлар", "Амударё", "Шундай кудлим", "Оқ олтин вэлси", "Кийиз босиш", "Қирқ қиз" каби бир қанча миллий ўйинларни сахналаштириб, қорақалпоқ рақс санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди.

1958 йилдан бошлаб Тошкент хореография билим юртига бир гуруҳ қорақалпоқ ёшлари қабул қилина бошлади. Қорақалпоқ миллий рақс санъати ривожланишининг кейинги босқичларида Нукус мусиқа билим юртида хореография бўлимининг очилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Пўлат Мадреймов қорақалпоқ миллий рақс санъати ижодий мактабини очган биринчи балетмейстер сифатида кўп ишларни амалга оширди. П.Мадреймов, Д.Юсупов, Ш.Жантлеуов Қорақалпоғистонда биринчи марта "Учрашув", "Куба халқ рақси", "Анджон полкаси", "Уйғур рақси", "Татарча ҳазил рақс"ларни ижро этдилар.

Истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг сазой-харақати билан ўзбек санъатининг бошқа соҳалари қатори қорақалпоқ рақси ҳам ўз миллий қиёфасини сақлаб қолган ҳолда янги-янги ютуқларни қўлга киритишда давом этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, халқ оғзаки ижодининг қадим илдизларидан куч олиб, ривожланиб келган қорақалпоқ рақс санъати нафақат Марказий Осиёда, балки дунё сахнасида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Гулистон АННАКИЛИЧЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси

ФЕСТИВАЛ

Хоразм диёри нафақат кўхна обидалари, балки бетакрор санъати, мусиқаси рақс ўйинлари билан ҳам жаҳонда доврқ қозонган. Бугун Хива шаҳрида бошланадиган "Рақс сеҳри" халқаро рақс фестивали бунинг ёрқин мисолига айланиши, шубҳасиз. Ушбу санъат анжуманида "Ўзбекистон", "Айқулаш" каби ансамблларимиз билан бирга, чет элдан таширф буюрган таниқли рақс жамоалари ҳам ўз маҳоратларини намоёйиш этади. Фестивал доирасида "Ўзбекистон рақс санъати тарихи" фотоқўрғазмаси ҳам режалаштирилган. Шунингдек, моҳир рақс усталарининг маҳорат дарслари, театрлашган томошалар, хаваскор жамоаларнинг чиқишларию миллий либосларимиз намоёйиши ҳам муҳлисларни бефарқ қолдирмайди.

ХОРИЖ АРХЕОЛОГЛАРИ ТЕРМИЗДА

Чикаго университети археологлари профессор Жил Жереми Стейн Осборн ҳамда Жеймс Фуллер юртимизда кенг қўламли тадқиқот ишлари бошлашни режалаштирмоқда. "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ахборот хизмати хабар беришича, чет эллик олимлар яқинда юртимизда меҳмон бўлиб Сурхондарё вилоятидаги Жарқўтон ҳамда Кучуктепа ёдгорлиқларини зиёрат қилишди. Сафар давомида олимлар Термиз давлат университети ҳамда Археология музейида илмий учрашувлар ўтказишди. Ушбу мулоқотлар жараёнида ўзбек ва хориж археологлари ўртасидаги ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган тадқиқот ишларининг етакчи йўналишлари белгиланди. Унга кўра, асосий эътиборни қадимий ёдгорлиқларни таъмирлаш ва консервация қилиш ишларига қаратиш келишилди. Шунингдек, мутахассислар ўртасида тажриба алмашиш, янги технологик методларни жалб этишга имкон берадиган тренинглар, маҳорат дарслари ҳам режалаштирилди.

Жоникбек НАРЗУЛЛАЕВ,
С.Сирожиiddinov номидаги академик
лицей битирувчиси

Гулсанам МАМАЗОИТОВА,
Ўзбекистон халқ артисти

АГАР ЖАННАТ ЕРДА БЎЛСА...

Биз санъаткорлар юртимизда бўлиб ўтадиган барча тадбирларда, улуг бунёдкорлик ишларида, тўю тантаналарда қатнашиб, халқимизнинг қувончига шерик бўламиз, уларнинг кўтаринки кайфиятидан илҳом оламиз. Ўтаётган ҳар бир кунимиз, кундан-кун чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз ижодимизга туртки, ўзимизга куч-ғайрат бағишлайди.

Айниқса, муқтақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтган ёшларнинг "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" фестивалида иштирок этиш ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолди. Тадбирларда ёшларнинг фаол қатнашиб, юрагидаги гапларни тўлиб-тошиб айтиётганидан бир хурсанд бўлсам, гала-концерт пайтида "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" қўшиғини катта стадионга йиғилган барча йигит-қизлар мен билан бирга жўшиб куйлаганидан қалбим фахрийфтор туйғуларидан тўлиб-тошди. Таниқли шоир Иқбол Мирзо қаламига мансуб шеър асосида, композитор Алишер Ра-сулов мусиқаси билан дунёга келган бу қўшиқнинг ҳар сатри Ватан ҳақида, ватанпарварлик туйғу-лари билан йўғрилган.

Улуг юртнинг оддий бир фарзанди сифатида ота маконим — бетакрор Ўзбекистонимизга меҳр-муҳаббат, она Ватанга садоқатни тараннум этувчи ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларим билан танилганимдан, одамлар бу тароналарни катта майдонларда мен билан биргалашиб куйлаганидан ниҳоятда бахтиёрман. Барча ҳашаматли санъат масканларида биринчи-лар қатори сахнага чиққанымдан гурурланаман.

Ўқувчилик пайтларимда Наврўз ва Истиқлолимиз байрами тантаналаридаги концертларни кўриб, Муқтақиллик майдонида бир бор куйлашни орзу қилардим. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг ёшларга қўрсатаётган ғамхўрликлари, яратилаётган шарт-шароитлар санъатга меҳр қўйган ёшларга қанот бағишлади, орзуларим ушадди.

Тўғри, болалигимда мусиқа мактабиди ўқиганман. Лекин у пайтларда миллий созлар ва куй-қўшиқлар четда қолиб, кўпроқ европа мусиқаси ва чолғу асбобларига эътибор қаратиладди. Мустақиллигимиз шарофати билан ўзбек миллий куй-қўшиқлари, мақомлар ва мумтоз ашулаларни ўрганишга мушарраф бўлдим.

Ҳозир ўша мен ўқиган мусиқа мактабиди жиянларим таълим олишди. Мактаб таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, замонавий синфхоналар, машқ учун ажратилган хоналар, болалар учун яратилган ижодий шароитлар одамнинг ҳавасини келтиради. Бундай мактаблар бугун барча вилоятларда қанчадан-қанча санъатсевар болаларни ўз бағрига олган. Замонавий овоз ёзиш студияларини айтмайсизми! Бугун етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар қандай иқтидорли одамнинг куйлаш имконияти бор. Ўзим меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва имконияти чекланган болалар билан бир сахнада куйлаганимда буни янада чуқурроқ ҳис қиламан. Биз том маънода озод ва обод, эркин ва мустақил юртда яшаётганимизга минг бор шукроналар айтаман.

2003 йилдаёқ "Ниҳол" муқофотида сазовор бўлганим, ёш бўлишимга қарамай, "Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" унвонларига муносиб қўрилганим Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг биз ёшларга, санъат аҳлига юксак эътибори, оталарча ғамхўрлиги, ижодимизга ишончи самараси деб биламан. Энг муҳи-

ми, буларнинг бари истиқлолимиз шарофати!

Бугун бизнинг асосий вазифамиз муқтақиллик берган имтиҳонлардан унумли фойдаланиб, келажак эгалари бўлган ёшлар маданияти ва маънавиятининг юксалишига ҳисса қўлиш, ўзбек санъатининг ХХI асрдаги ютуқларини кейинги авлодларга етказиш, деб биламан.

Шу кунларда қўллаб санъаткорлар, фан, маданият намоёндалари қатори Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлди" деб номланган тадбирнинг юксалишми-ми. Бундан ташқари, вилоятларда

ёшларни йиғиб, долзарб мавзуларда акциялар ўтказиш ниятим бор. Бу акцияларда айнан санъатга кириб келаётган истеъдодли ёшлар билан қатнашиб, уларнинг ижодини тарғиб қилишга кўмаклашмоқчиман.

Муҳлисларининг хабари бор, сахнага мақом ва мумтоз ашулалар билан кириб келгандим. Ҳозир кўпроқ эстрада йўналишида ижод қилаётган бўлсам-да, миллий мумтоз ашулаларимизга меҳрим бўлакча. Шу сабаб, яна

шу йўналишда кўп ва хўп қўшиқлар айтиш ниятим бор. Бундай ниятнинг пайдо бўлишига туртки берган сабаб ҳам борки, бу ҳақда айтишим лозим, деб ўйлайман. Гап шундаки, шу кунларда санъатда ўз йўлини топиб олган хонандалар ҳам, ушбу бўстонга янги кириб келаётган ёшлар ҳам мумтоз ашулаларимизни, катта-катта санъаткорлар ижро этган қўшиқларни замонавий ижро услубида айтишга ҳаракат қилишяпти.

Бу, бир жиҳатдан яхши, албатта. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор-да. Бундай уринишлар натижасида санъатимиз дурдоналарига айланиб қолган айрим қўшиқларнинг баъзан матни, баъзида эса мусиқасида бузилишлар пайдо бўляпти. Ҳолбуки, халқнинг бисотиға айланган мумтоз тароналарни келажак авлодларга асл қимматини сақлаган ҳолда етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Агар ёшларнинг қўлидан келса, шу ашулаларни дастлабки ижросидан ошириб айтсин ёки ҳеч бўлмаганда ўша даражада куйласин. Шу сабабли, қизиққан ёшлар билан мақом ва мумтоз ашулалар ижроси борасида ишлаш, биланларимни қўлдан келганча улarga ўргатишни мақсад қилганман. Қўшим Моҳи-жаҳон ҳозир етти ёшда. Қўшиққа меҳри баянд. Аксарият санъаткорлар фарзандларининг ўз йўли-ридан боришини хошлашмайди. Мен эса бугун санъат аҳлининг эл-юрт ардоғида эканини кўриб, қизимнинг яхши санъаткор бўлишини истайман.

Бугун муқтақиллик фарзандлари 25 ёшга тўляпти. Навқирон авлод навиқирон ёшдаги Ўзбекистон Республикасининг келажакни яратишга астойдил бел боғлаган. Буни ёшларимиз жаҳон арена-ларидида ва сахналаридида қўлга киритаётган ютуқлар ҳам яққол намоён этиб турибди. Қўшиқда айтилганидек, оққан дарё оқиб, дарёларга, ундан уммонларга қўшилиди. Уммонлар узара, ер шарни узара ўзбекнинг Ватан ҳақидаги қўшиқлари баралла янграйверади:

Агар жаннат ерда бўлса, устидилар Ўзбекистон,
Агар жаннат кўкда бўлса, остидаилар Ўзбекистон.

"ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!"


Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан тўра, бадий етук қўшиқлар ҳамиша кўнглимизга ҳамроҳ бўлади. Бундай қўшиқларни ёшларнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида ташкил этилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг тизимлар бўйича якуний босқичи бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида уч босқичли танловнинг якуний босқичи ўтказилди.

Биринчи босқичда 420 дан ортиқ, иккинчи ҳудудий босқичда 80 та таълим муассасаси жамоалари ўзаро беллашди. Учинчи, якуний босқичда эса бир юз элликдан зиёд иштирокчи маҳоратини намоёйиш этди.

Ҳайъат хулосасига кўра, 1-ўринни Самарқанд ва Қарши давлат университетлари, 2-ўринни Қорақалпоқ давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институтини, 3-ўринни Андижон ва Наманган давлат университетлари ҳамда Тошкент давлат техника университети иштирокчилари қўлга киритишди.

Ғолиблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбеки-



Танлов

стон Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюмчаси Республика кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан муқофотланди. Кўп йиллардан буён танловда жамоа иштирокини таъминлаб келаётган тажрибали устоз-мураббийлар ҳам ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Самарқанд давлат университети ("Ватан зикри", Жамол Сирожиiddinov шеъри, Жаҳонбек Қозимов мусиқаси) ва Қарши давлат университети ("Шукрона", Анвар Мирзо шеъри, Лазиз Пирназаров мусиқаси) иштирокчилари кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Б.ЭГАМБЕРДИЕВ

БОЛАЛАРНИ ШОД ЭТИБ

Бухоро давлат қўғирчоқ театри жамоаси янги концерт-шоу дастури ва спектакллар билан болаларнинг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида бўлмоқда. Вилоятдаги "Бунёдкор", "Нефтичи", "Ёш алоқачи", "Ёш қурувчи", қўшни Навоий вилоятининг Учқудук, Зарафшон, Каттақўрғон шаҳарларининг сўлим гушаларида жойлашган болалар оромгоҳларида дам олаётган ҳажжи томошабинлар "Ариовийнинг янги найранглари", С.Маршакнинг "Милё ҳола уйчаси" спектакли ҳамда қўғирчоқлар иштирокидаги "Шарқ рапсодияси" номли ўйинларга бой концерт дастурларини мириқиб томоша қилишди.

"Мўъжизалар шаҳри" концерт дастурида болаларнинг ўзлари ҳам иштирок этади.

Е.Вардашева, О.Чуднаёв, Ф.Ҳабибова, С.Сиддиқов, З.Шукророва, Ф.Зойирова, Б.Раҳмонов каби санъаткорлар ёзги таътилни кўнглили ўтказаятган ўғил-қизлар хизматига бўлишадиган мамнун. Бу-хоролик қўғирчоқболалар учинчи мавсум учун театр репертуаридаги "Чинакам паҳлавон" номли спектакл билан болаларнинг дам олишига ҳисса қўишни режалаштирган.

Гулчехра Бону,
театр адабий ёмақдоши

РАҚСЛАРДА ХАЛҚ РУҲИ

Тортилган Оролнинг қирғоқларидан Чағалай қушларининг нолаи келар. Фарзандин эркалаб бағрига босган, Мунис оналарнинг алласи келар.

Тўмарис чиққандай кенгликлар аро, Қора қоқиларин елкага ёзиб. Бердақ нафасидан гул очар сахро, Гўзал кенгликларга бахтини ёзиб.

Қорақалпоқ рақс санъати бетакрор товланишлари билан муҳлислар қалбини забт этмоқда. Аввало, шуни айтиш керакки, қорақалпоқ рақс санъати ХХ аср давомида халқ орасида байрам ва маросимлар билан боғлиқ ҳолда анъанавий шакллар ҳамда замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган тарзда яшаб келди. Улар фанда «халқ рақси» ва «сахнавий рақс» деб аталди. Сахнавий рақс ахлит ансамбл бўлиб уюшган хаваскор ва профессионал раққос, раққосалар томонидан ижро этиб келинмоқда. Уларни халқ рақс мероси негизидида сахналаштиришга раққос-балетмейстерлар камарбаста. Халқ рақси ва сахнавий рақс бир-бирини тўлдирган, бир-бирига таъсир қўрсатган ҳолда ўтган асрда муайян босқичларни бошдан кечирди. Бу йўлда муваффақиятлар ҳам, янгилишлар ҳам бўлган, албатта. Мухими, рақс усталарининг ижодий меҳнати, саъй-ҳаракати, улар яратган дасталар, тарбиялаб етиштирган раққос ва раққосаларнинг фаолияти туфайли халқ рақс мероси сахнавий шаклларда ХХI асрга ҳам эсон-омон етиб келди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида халқ анъаналари ва қадриятларини тиклаш кун тартибига қўйилиб, Ўзбекистон муқтақилликка эришгач, бу омил етакчи тенденцияга айланди. Қорақалпоғистондаги фолклор-этнографик, ашула ва рақс ансамбллари халқ орасида ёхуд кексалар хотираида сақланиб келаётган қўллаб ўйинлар, рақслар, театрлашган маросимлар ва майдон томошаларини тиклаб, сахнага олиб чиқдиларки, қорақалпоқ



данияти, санъати, қўшиқчилиги, бахши-созандаларнинг миллий руҳиятга бой ижод намуналари тингловчиларни ҳаммаша ўзига жалб этиб келган.

Қадимда бизнинг ҳудудимизда бугунгидек концерт ташкилотлари, маданият уйлари бўлмаган. Лекин бахши-жировлар, лаққилар, созанда ва хонандалар, раққосалар тўй-маросимлардаги қатор тадбирларни театрлашган томоша тарзида ўтказиб, халқ маънавиятини юксалтириб келганлар. Жумладан, қорақалпоқ рақс санъати ҳам азалдан тақомиллашиб келаётган соҳалардан бири.

Ўтган асрнинг ўрталарида бир гуруҳ


МЎЪЖИЗАЛАР ДИЁРИГА ЙЎЛ

Асрлар давомида Фарб ва Шарқ оламини боғлаган Буюк Ипак йўлининг тарихи, қадим савдо чорраҳасида ривожланган тамаддунлар дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотаётди. Яқинда Франциянинг "Electron libre Productions" телестудияси Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан ҳамкорликда "Буюк Ипак йўли ва бошқа мўъжизалар" номли кўп қисмли ҳужжатли филм яратишга киришди.

Филм продюссери Гиймом Бернар бошчилигида юртимизга таширф буюрган француз ижодкорлари аллақачон суратга олиш ишларини бошлаб юборишди. Ўн беш сериядан иборат филмнинг ҳар бир қисмига йигирма олти дақиқа ажратиш режалаштирилган. Ушбу кенг қўламли ҳужжатли картинанинг уч серияси Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Марғилон каби кўхна шаҳарларимизга бағишланади. Суратга олиш ишлари, шунингдек, Хитой, Эрон, Туркия, Туркменистонда ҳам олиб борилади.

Филм тақдиротини шу йилнинг декабр ойида "ARTE" телеканалида ўтказиш мўлжалланган. Ушбу телеканалнинг француз ва немис тилларидаги дастурлари ҳозир Европанинг кўплаб давлатларида намоёйиш этилади.

ҒАРОЙИБ ҚАЛЪА



Очиқ осмон остидаги мўъжизавий музейга айланган Хивадаги Ичан қалъа меъморий обидаси "www.novate.ru" интернет портали хулосасига кўра, Марказий Осиёдаги умуминсоният мероси сифатида тан олинган ёдгорлиқлар орасида биринчилардан бўлиб жаҳоннинг энг ғаройиб

қалъалари рўйхатига киритилди. Ушбу рўйхатдан жами ўн тўртта тарихий обида ўрин олган бўлиб, Ичан қалъа уч минг йил муқаддам қурилган Хитойнинг Пинъюан истеҳкомидан сўнг саккизинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўрин деворлари баландлиги юз метрга етувчи Хорватиядаги Дубровник қалъасига насиб этган бўлса, иккинчи ўриндан қурилиши XI асрда бошланган саксон саккиз минорали Испаниядаги Авила қалъаси жой олди. Шунингдек, ушбу рўйхатга Ҳиндистон, Туркия, Исроил, Италия, Марокаш, Юнонистон, Нидерландиядаги машҳур ёдгорлиқлар ҳам киритилган.

“ВАТАННИ МАДҲ ЭТИШ БАХТИ”

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, “ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ
БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЯРАТИЛГАН
ЭНГ САРА НАСРИЙ ВА ШЕЪРИЙ АСАРЛАР УЧУН

“ВАТАННИ МАДҲ ЭТИШ БАХТИ”

ТАНЛОВНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловга юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, эришилган ютуқ ва натижалар, шунингдек она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари, эзгу инсоний қадриятлар юқори бадиий савияда акс эттирилган, адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган асарлар қабул қилинади.

ТАНЛОВ ҚУЙИДАГИ Йўналишлар бўйича
ЎТКАЗИЛАДИ:

- энг яхши насрий асарлар;
- энг яхши шеърий асарлар.

Танловга истиқлол йилларида чоп этилган насрий ва шеърий асарлар қабул қилинади. Асарлар таниқли

ижодкорлар ва адабиётшунослардан иборат ҳайъат томонидан қўриб чиқилиб, ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Танловда профессионал ёзувчи-шоирлар билан бир қаторда ҳаваскор ижодкорлар ҳам иштирок этиши мумкин.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР
БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ:

- 2 та биринчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдоридagi пул мукофоти ва диплом;
- 2 та иккинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг

Танлов

75 баравари миқдоридagi пул мукофоти ва диплом;
— 2 та учинчи ўрин — энг кам иш ҳақининг 50 бараваридаги пул мукофоти ва диплом;
— 6 та рағбатлантирувчи соврин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 бараваридаги пул мукофоти ва диплом.

Танлов совриндорлари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.
Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида тантанали равишда топширилади.

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН АСАРЛАРГА
ҚУЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ
ЛОЗИМ:

- муаллифнинг аризаси ва профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- муаллифнинг яшаш манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга асарлар 2016 йил 1 августгача қабул қилинади.

Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси 16-а. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасы. Телефонлар: 227-08-27, 239-26-91.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

“Фарҳод ва Ширин” украин тилида

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси фонди яқинда “АДЕФ-Украина” матбаа уйида ўзбек ва украин тилларида чоп этилган “Фарҳод ва Ширин” достони билан бойиди. Асарни таниқли шоир Микола Божан украин тилига ўттирган. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан Украинада ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференция доирасида ушбу нашрнинг тақдирот маросими бўлиб ўтган эди. Чиройли муқова остида бой шарқона нақшлар билан безатилган совгабон китобни нашрга тайёрлашда украинлик адабиётчи, навоийшунос ва таржимонларнинг катта гуруҳи иштирок этган. “АДЕФ-Украина” матбаа уйи, «Артериум» корпорацияси ва “Укр-ЎзАвто” компанияси ташаббуси билан чиқарилган мазкур нашр Алишер Навоий ижодининг ўзбек маданиятидаги ўрнига доир мақола, шунингдек, академик Азиз Қаюмовнинг Алишер Навоий таржимаи ҳоли ҳамда Украина Фанлар академияси академиги И.Дзюбаннинг Микола Божаннинг таржимонлик маҳоратига доир мақолалари ҳам ўрин олган.

Жаҳон уруши ааракаш

Америкалик таниқли адиб, журналист ва давлат арбоби, адабиёт бўйича 1986 йилги Нобел мукофоти совриндори Эли Визел 87 ёшида оламдан ўтди. 1928 йили Руминия шимолидаги Сигет шаҳрида таваллуд топган Эли Визел 1944 йили оила аъзолари билан биргаликда аввал Освенцим, орадан бир йил ўтиб Бухенвальд концлагерига ташланган. Урушдан кейинги йилларда Парижга келиб Сорбонна университетидида фалсафа, руҳиятшунослик ва адабиёт бўйича таҳсил олган. 1955 йили АҚШга борган ва кейинчалик ушбу давлат фуқаролигини қабул қилган.

Адиб ижодий фаолиятини иврит тилида бошлаб, сўнгра француз ва инглиз тилларида давом эттирган. 1956 йили Аргентинада нашр этилган “Дунё сўкутда эди” китоби француз тилига таржима қилинган, адибга жаҳоний шухрат келтирди. Эли Визел қирқдан зиёд адабий асарлар ёзган, уларнинг аксарияти Иккинчи жаҳон уруши даври аламларига бағишланган.

Адиб Йел, Бостон, Жоржтаун университетларида сабоқ бериб, АҚШ президенти ҳузуридаги Иккинчи жаҳон уруши даври қабохатларига доир комиссияни бошқарган. 1985 йили АҚШ Конгрессининг олтин медали, 2006 йили Буюк Британиянинг фахрий рицарлик унвонига сазовор бўлган. Адибнинг “Тун. Тонг. Бахтсиз ҳодиса” трилогияси, “Васият”, “Омад шаҳри”, “Социлган уқунлар”, “Кейинги авлод”, “Саргардонлик” каби роман ва қиссалари қўлаб жаҳон тилларида таржима қилинган.

Шоир, олим, таржимон

Парижда таниқли француз шоири ва таржимон Ив Бонфуа тўқсон уч ёшида вафот этди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг нуфузли француз ижодкорларидан ҳисобланган шоирга “Дувининг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги” китоби катта доврुक келтирган. Унинг “Сэмюэл Бекетнинг қайиқчаси”, “Эгасиз атиргул”, “Пауль Целан”, “Ақл бовар қилмас”, “Шеърлар ва миниатюралар” каби юздан ортиқ китоблари жаҳондаги ўттиздан ортиқ тилга таржима қилинган. Ив Бонфуа Шекспир пессаларининг француз тилига таржимони сифатида ҳам машҳур. У тарих ва санъат назарияси билан шугулланган. Франс коллежидида профессорликка сайланган, 1981-1993 йилларда қиёсий поэтикадан сабоқ берган. Франция, Италия, Швейцария, Германия ва бошқа мамлакатларнинг йирик тарихчи, филолог, археолог, санъатшунос ва муслиқшунослари иштирокида турли мавзуларда халқаро анжуманлар ташкил қилган. Унинг таҳрири остида “Қадимий дунё ва аънаъоний жамоаларнинг асослари” ҳамда динлар лугати” нашрга тайёрланган ва қайта-қайта чоп қилинган.

Бонфуа Бодлер, Рембо, Миро, Жакометти Чильиде ижоди бўйича рисолалар ёзиб, Петракка, Китс, Йейтс асарларини таржима қилган. 1960 йилдан сўнг Франция, Швейцария ва АҚШ университетларида сабоқ бериб, Пауль Целан, Жак Дюпен, Андре дьо Буше ва бошқа машҳур шоирлар билан ҳамкорликда “Эфемер” журналини чоп этган. У Монтен, Гонкурлар, Франц Кафка номидаги ва яна ўндан ортиқ нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Оммавий ахборот воситалари бир неча бор унинг номини эҳтимол тутилган Нобел мукофоти номзодлари сифатида тилга олган.

Женифернинг жониворлари

Америкалик таниқли адиба Женифер Пробст Нью-Йорк штатининг Гудзон дарёси водийсида истикомат қилади. Болалигиди ёзувчи бўлишни орзу қилган адиба ўн икки ёшдан ижод қила бошлаган. Шунга қарамай ўзини турли касбу қорларда ҳам синаб кўради: сайёҳлик ва сугурта агенти, йога муаллимаси. У ҳатто учувчи, раққоса, археолог, узулмаз бoғ эгаси бўлишни ҳам орзу қилган. Ҳозирча бу касбларнинг барчасини асарлари қаҳрамонлари табиатида синаб кўрмоқда ва бу билан асло чегараланиб қолмоқчи эмас. Женифер Пробст ишдан бўш вақтларида китоб ёзади ва икки ўғлининг тарбияси билан шугулланади. Айни чоғда, уйда жониворлар сақлашни ҳам хуш кўради. Ишқий-романтик жанрдаги ва болаларга аталган асарлари ёзувчиси Женифер Пробстининг шу чоққача қўлаб китоблари чоп этилган. “Никоҳ тузоғи” деб номланган сўнгги романи халқаро бестселлерлар қаторидан жой олди. Асар турли саргузашт ва фавқулодда ҳодисалар, қувноқ саҳифаларга бой.

Китобдан яхши дўст бўлмас

ТЕРМИЗИЙЛАР ОЛАМИ



Термиз ва Термизийлар мавзуи юртимиз олимларини кўпдан буюн қизиқтириб келади. Аввало, шаҳар тарихи, шу шаҳарда вояга етган алломалар тақдири доимо биринчи режада турган. Узоқ йиллик изланишлар самара бериб, профессор С.Турсунов раҳбарлигида Б.Муртазоев ва О.Алланов ҳаммуаллифлигидаги “Термизий алломалар” номли китоб нашрдан чиқди. Китоб етти бобдан иборат. Унинг тўрт бобида ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқотнинг бешинчи бобида Абуабкар Муҳаммад ибн Умар Варроқ ат-Термизий ва Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийлар ҳаёти ва ижодига доир чизгилар мавжуд.

Китобнинг олтинчи боби Зарр Термизий, Хайёт Термизий, Муҳаммад ибн Ҳамид Термизий, Абулмузаффар Термизий, Саййид Бурҳониддин Термизий, Хожа Самандар Термизий, Муҳаммад Термизий сингари алломалар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Тадқиқотнинг еттинчи — охириги боби бошқа боблардан тубдан фарқ қилади, унда ҳали кўпчиликка номаълум юздан ортиқ Термизийлар рўйхати келтирилади. Каталог тарзидаги рўйхат ҳар бир Термизий ҳақида шарҳ битилгани билан китобхонга қулайлик туғдиради. Маълумотлар, бизнингча, дастлабки — умумий танишув ва, маълум маънода, тасаввур ҳосил қилиш учун кифоя. Б.Муртазоев узоқ йиллик изланиш натижасида мазкур рўйхатни тузишга эришган. Бу борада олим таниқли қадимшунос Тўхташ Аннаевнинг тадқиқотларига муурожаат этади.

Кенг ўқувчилар учун мўлжалланган ушбу китоб воҳа тарихи билан қизиқувчилар, тарихчи ва мутахассислар учун дастлабки қўлланма бўла олади. Илк тажриба бўлгани боис, китобда баъзи жузъий камчиликлар бўлишига қарамай, муаллифларнинг биринчи дадил қадами, катта меҳнат сарфлагани эътибор ва эътирофга муносибдир.

“РУҲИЯТ АЛИФБОСИ”



Яқинда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан таниқли адабиётшунос олим Баҳодир Каримовнинг “Руҳият алифбоси” номли китоби чоп этилди. Китобга насрий ва шеърий асарлар таҳлили, адабий танқидчилик, устоз адабиётшунос олимлар ҳамда адабиётшунослик методлари ҳақида ёзилган адабий-танқидий мақолалар жамланган. Мақолалар мавзу жиҳатдан беш бoбга ажратилган. “Наср ҳақида”ги биринчи бoб кейинги йилларда яратилган ўзбек қиссаларининг бадиий-эстетик савияси, ёшлар насрий ижодининг ўзига хос жиҳатлари, жаҳон ва ўзбек адабиётидаги айрим асарлар тузилишининг қиёсий таҳлилига бағишланган. Бу бoб “Бадиий талқин жозибаси”, “Изланиш фасли”, “Координаталар текислигидаги уч ҳикоя”, “Таъсири кулминациялар” сингари мақолаларни ўз ичига олган.

“Назм ҳақида” деб номланган иккинчи бoбда бугунги ўзбек назмининг ютуқ ва муаммолари айрим шеърий асарлар таҳлили орқали кўрсатилган бўлса, “Метод ҳақида”ги учинчи бoбда адабиётшунослик услублари илмий талқин қилинган.

Академик Матёкуб Қўшонов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Ижоди ҳам, ҳаёти ҳам ибрат” сарлавҳали мақола бешинчи бoб мундарижасидан ўрин олган. “Шарифлик саодати” сарлавҳали мақолада адабиётшунос олим, профессор Шариф Юсупов илмий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинса, “Чин маънодаги фидойи” мақоласи Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланган. Ушбу бoбдан, шунингдек, Беғали Қосимов, Бахтиёр Назаров, Норбой Худойбергенов сингари устоз мунаққидлар ҳақида ёзилган мақола ва очерклар ҳам ўрин олган.

Фарзона КОМИЛОВА



Тошкент ва Самарқанднинг 35 сайёҳлик ташкилоти мутахассислари 8-10 июл кунлари Шаҳрисабз-Қамаши-Қарши йўналиши бўйича уч кунлик инфотурда иштирок этишди. “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбир давомида сўнгги йилларда вилоятнинг тарихий шаҳарларида яратилган замонавий сайёҳлик салоҳияти ва инфратузилма иншоотлари туристик бизнес вакилларига намойиш этилди. Тошкент ва Қарши шаҳарлари ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” — “Talgo” поезди қатнови йўлга қўйилгани, сайёҳларни қабул қилиш учун мўлжалланган ҳар жиҳатдан шинам ва обод меҳмонхоналар тизимининг мавжудлиги шундай зарур шароитлардир.

Шаҳрисабзда шаҳарнинг тарихий маркази қайта қурилиб, соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган шаҳар хориқлик меҳмонлар ва сайёҳларни гўзал жозиба билан кўтиб олаётир. Қашқадарё воҳасининг юксак тоғлари ва даштлари бағридаги бетакор экологик муҳит сайёҳлар учун айни муддао бўлиши мумкин. Бундай табиий шарт-шароит ва янгидан барпо этилган халқаро андозаларга мос замонавий қулайликлар Шаҳрисабзни Ўзбекистоннинг йирик сайёҳлик марказларидан бирига айлантиради.

Саёҳат

ШАҲРИСАБЗ ЧОРЛАЙДИ

Дилноза ЗОКИРОВА

“МЕН ИЗЛАГАН ОДАМ”

Янги нашр

Сўз — санъат, сўз — сеҳр, сўз нафосатдир,
Сўз — нафрат, сўз — меҳр, сўз жасоратдир.
Сўз — қувонч, сўз — алам, сўз — дилга малҳам,
Ўрининг босолмас энг зўр дорин ҳам...

Сўзни санъат ва нафосатга айлантиришга интилган, уни шеърий сатрлар измига солган шоир Туроб Ниёзнинг “Мен излаган одам” китоби яқинда “Ношир” нашриётида чоп этилди. Китобга ижодкорнинг кейинги йилларда ёзган лирик шеърлари жамланган. Улар мавзу жиҳатдан ранг-баранг — Ватанга муҳаббат, садоқат, дўстлик, ишонч ва соғинч туйғуларининг рост ва таъсиранан ифодаси.

Олисга сочилган турфа гулларим,
Сизсиз кечди умрим — қанча йилларим,
Сизга талпинида ташна дилларим —
Онамнинг излари — жон сингилларим.



Динорахон ҒОЗИЕВА

ҲАЁТ ЧИЗИҒИ

(Кундалик ҳикматлар)

Эл назари тушса сенга шукр қил,
Хизматини бажону дил югур, қил.

Улуғлар эътибор топиб адабдин,
Йироқ бўлди доим қаҳру ғазабдин.

Яхшилик қилишдан ҳаргиз ор этма,
Сафар чиқсанг, номардларин ёр этма.

Машаққат чекканинг фойда ўзиниға,
Бир кун қувват бўлар бел ва кўзиниға.

Савоб керак бўлса, дарахт эк, дарахт,
Билсанг ганиматдир бу фурсат, бу вақт.

Бир текисда бўлса ҳаёт чизиги,
Асло бўлмас эди унинг қизиги.

Эътибор қил бошинидаги қировга,
Вақт яқиндир, жабр айлама бирова.

Ярашад бевос отта чопқирлик,
Олимларга эса билим, топқирлик.

Дўстлар билан яхши боғланса ришга,
Ҳар қандай муаммо топар саришга.

Очилад ҚЎЙСИН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожидадин
САЙИД



Тахриратга келган қўлёзмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир — Ҳумоюн АҚБАРОВ
Саҳифабоз — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.01

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3874. Буюртма S — 6484. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВАА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2381-614X

